



ЛИРИКА

Ҳалима Қорабоева

Қайтмас дақиқалар

Шеърлар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1987

Ўз 2
Қ 60

Серияни расом Анатолий Бобров безаган.

4702570200—47
Қ М 352 (04)—87 87

МЕН ҰЗИМНИ ИЗЛАЯПМАН

Мен ұзимни излаяпман баҳри муҳитдан:
Томчи бўлиб тушаман гоҳ кўкдан, булутдан,
Учқун мисол чатнагайман гўёки ўтдан,
Ирмоқ бўлиб оқиб келгум чўнг тоғли юртдан,
Мен ұзимни излаяпман баҳри муҳитдан.

Кетаяпман, кетаяпман, етмайман сира,
Янгиланган орзу каби ёниқ, бокира.
Гоҳ сув кечиб, уммон кечиб, оралаб дара —
Яқин бўлиб туюлади интилган марра —
Мен ұзимни излаяпман баҳри муҳитдан.

Кабутардек самоларда қоқарман қанот,
Тонги ёғду каби ерга бахш этгум ҳаёт,
Кенгликларда тўрғай каби сайрайман озод,
Қай элларда эркисизларга этай деб имдод
Мен ұзимни излаяпман баҳри муҳитдан.

Қай чаманда, қай тўлқинда пинҳона сен, деб
Ҳақиқатсан, аммо гўё афсона сен, деб,
Ҳар заррада кулиб боқдинг жаҳона сен, деб,
Бу оламга муҳаббатда мардона сен, деб,
Мен ұзимни излаяпман баҳри муҳитдан.

ИНСОН

Қаллоб чиқиб қолса, нодон чиқиб қолса
Бошингни чайқама, ушлама ёқангни.
Сен ёмон деганинг Инсон чиқиб қолса,
Ажратишга ўрган гавҳардан чангни.
Баъзилар зор этса, эл ичра хор этса
Бош эгма, қалбингни қилма минг пора.
Бир жоҳил кўзингга оламни тор этса,
Бир одил дардингга топади чора.
Бири қишдек қаттол, бири мисли ёз,
Бири қақшатади, ўзгаси — дармон.
Тирикни этмаса баъзиси эъзоз,
Баъзиси жонсизга бахш этади жон.

ҚУЁШГИНАМ

Япроқлардан тўкилади нур,
Хаёлимда қуёш чарақлар.
Қуёшгинам жуда ҳам мағрур,
Борган сари мenden йироқлар.

Майли, кетса кетсин у мағрур,
Ўтирмайман арз-додим айтиб.
Ишонаман, қуёш-ку, ахир,
Ўзи яна келади қайтиб.

БИР ЛАҲЗА УНУТСАМ

Бир лаҳза унутсам
бахридил оламни,
Йўлларни, куйларни,
фидойи одамни,
Энг теран ўйларни,
Номашҳур лирамни
Бир лаҳза унутсам
қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.

Завқим ва сурурим
шуларда эмасми?!
Умримдан ғурурим
шуларда эмасми?!
Бир лаҳза унутсам
қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.

Оламни севмасам
ҳаёт бир афсона.
Одамни севмасам
бу олам бегона.
Зияга талпинсам
мисли бир парвона,
Тупроғим ҳам онам,
Ҳам жон, ҳам жонона,
Бир лаҳза унутсам
қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.

Мана, шу муҳаббат
яшашга чорлаган,
Ҳаётга садоқат
кўнглимни боғлаган.
Тинмоққа қўймаган
интилиш, жасорат,
Шуларсиз умримда
на ором, на роҳат.
Бир лаҳза унутсам
қалбим бўм-бўш қолар,
Умримнинг маъноси йўқолар.

АГАР СЕН...

Агар сен тоғларда унган гул бўлсанг,
Излаб топар эдим тоғма-тоғ юриб.
Чаманда чарх урган бир булбул бўлсанг,
Қошимга чорлардим битта гул бўлиб.
Юлдузга айланиб олсанг кўкларда,
Ёвингга учардим шаксиз йўл топиб.
Шамол бўлиб эссанг қия, тикларда
Кетардим изингдан бошяланг чошиб.
Гул бўлиб унибсан, гул бўлиб яшна,
Булбул бўлиб куйла, булбули зорсан.
Кўкка чиқибсанми юлдузга ўхша,
Шамолдек гувилла, агар шамолсан.
Чироқсан — уйимда пориллаб ёнган,
Ишончсан — қаддимни кўтарган баланд.
Илҳомсан — ҳар куни дилда уйғонган,
Сен борсан, мушкулни қилмайман писанд.

Агар сен тоғларда унган гул бўлсанг,
Излаб топар эдим тоғма-тоғ юриб.
Чаманда чарх урган бир булбул бўлсанг,
Қошимга чорлардим битта гул бўлиб.



От чоптириб ўтар ҳар куни
Қуёш менинг кўчам, боғимдан.
Агар тутиб олсайдим уни
Бўшатмасдим ҳеч қучоғимдан.
Оққуш бўлиб учади сувлар,
Мен қоламан бир ташнаи зор.
Бирга учар чанқоқ орзулар,
Ҳовучимга сиғмайди анҳор.
Шуъла ёки сув бўлганимда
Яшармидим яна бахтлироқ.
Нур ё сувдек югурганимда
Ўтармиди умрим яхшироқ.

— Вужудим зирқираб кетар ўйласам,
Вақт, чопарсан нега бунчалар илдам?
— Дунёда яшаган жаъмики инсон
Бу сўроққа жавоб излаган чандон.
— Нимадир ҳаёт деб аталмиш маскан,
Нега у шунчалар қисқа экан?!
— Ҳаёт бу қурилган бир кўприк дейин,
Инсонлар ўтарлар олдинма-кейин.
— Кўприкка ўхшатдинг, хўн яхши таъбир,
Сен ўзинг нимасан, нимасан ахир?
— Кўприкнинг остига қара-чи, одам,
У ерда кўрарсан аниқ мени ҳам.

ГИЁҲСИЗ САҲРО

Сенга кўнгил ёзиб овора бўлмам,
Гиёҳсиз саҳрода сайёра бўлмам,
Шафқат илинжида бечора бўлмам,
Дарёдай гоҳ сокин, гоҳо шарқираб,
Ёнингдан ўтарман бепарво қараб.

Кўзимдан излама ниҳон ўйларни,
Мен баралла айтгум асл куйларни,
Бегуноҳ беркиниб, секин сўйларми.
Осмондай кўнглимни ёзарман, лекин
Сен унга сиғмайсан самимий, эркин.

Гул, деб ўстирганинг тиконзор бўлди,
Сени сийлаганлар нечун хор бўлди?!
Сўзингдан вужудим бемадор бўлди,
Ниятинг тун сиёқ, аёндир, аён,
Кўланка соласан булутдек ҳамон.

Булут озор чекди ўхшатганимдан,
Зору зор йиғлади қақшатганимдан,
Сенга қиёс этиб пастлатганимдан.
Энди мен булутдан сўрайман узр,
Булутнинг ишлари эъзозга арзир.

Дунёда бормикин сенинг қиёсинг,
Қишинг ўлдиради, музлатар ёзинг,
Сўзлама, сўзлама, ўчсин овозинг.
Қошимда тик туриб қилмагин дилроз,
Чалкаш сўқмоқларга чорламагил боз,
Сенга кўнгил ёзиб овора бўлмам...

ҲАҶИҚАТ БАҲСИДА

Сен менадан чўчима, ўзингдан қўрқ, дўст,
Аввал, содиқмисан ўзинг ўзинга.
Менга тушган юкни кўтарурман даст,
Сен-чи, қатъиймисан берган сўзинга.
Хато бўлган эса қилмишим агар,
Ўзим тузатурман ўзгага қўймай.
Нобакорлик қандай қалбингга сиғар,
Нечун бегуноҳни булғайсан тинмай?
Жим юр, тайғанмасдан теп-текис йўлда,
Бу кунлар ўтади, бўлма пушаймон.
Адолат қуролин кўтариб қўлда,
Ҳақиқат азмга ишлатур инсон.
Қирма бу майдонга, эплотмасанг гар,
Гап ташиб юривчи — энг ёмон одам.
Ҳақиқат ҳамиша қолур музаффар,
Мазмунни, замини бўлса мустаҳкам.

ОЛТИН ГУЛ

Гуллар аъло эди мен учун аввал,
Зулфини тараган қиз каби сулув
мажнунтолнинг шаффоф, сурх новдалари,
Булбулнинг тонгдаги хуш наволари,
Юракка ўхшаган барглар, майсалар,
ниҳоллар ва жуда улкан дарахтлар —
жуда аъло эди мен учун аввал.

Уларнинг серилҳом суратларини
чизардим завқ билан муфассал.

Бўз йиғит, бокира қизнинг севгиси,
ваъдаси, вафоси, бор қилиқлари
бир мўъжиза эди беқиёс.

Уларнинг оламин чизмоққа
ранглар қидирардим бетимсол.

Бирдан рўпарамда оқ гуллар дунёси —
пахтазор далалар,

кўкўпар хирмонлар
ақлимни шошириб

қувонч ва ҳаяжон уйғотди.

Тинган ўйларимни тарқатди.

Нега мен гулларни,

юракка ўхшаган баргларни, қушларни
ва интим кечинмаларни —

табиатнинг кўркам жилваларини

аъло кўравердим ҳамиша?

Бу чексиз далалар —

мунчоқдай чигитдан унган ниҳоллар —

гавжум шоналаган гўзалар —

кўсақлар — очилган пахталар —

заршунос инсонлар

баридан аълороқ эмасми?!

Қайси гул пахтадан хушсурат?

Ҳами гўзалликнинг, севгининг

ва қайноқ илҳомнинг ғурурининг асоси —

шу пахта — олтин тоғ эмасми?!

Аммо ҳамма жойда очилмас бу пахта!

Ҳамма тупроқда ҳам унмайди чигитлар!

Ватанга юртимнинг номини танитган,

наички... жаҳонга танитган

она — Ўзбекистон шони ва шухратин

«оқ олтин» ҳақида энг аввал сўйламоқ

ифтихор!

Бир одам қўлидан кўп нарса келмас,
Ҳар оғиздан чиқса бир донадан сўз,
Барини тиймоққа қудрати етмас,
Инсон яккаланиб қолмасин ҳаргиз.
Балки у ҳақлидир, яхши одамдир,
Кимдир қўлламаса курашга чорлаб,
Барибир кўпчилик ичра мулзамдир,
Бир чироқ ҳар уйни ёритмас порлаб.
Жиндак инсоф бўлса кимдадир агар,
Унинг қаторида ёнмоғи керак.
Тутаманг гар одам бўлсангиз, дўстлар,
Ҳақиқатга доим бўлингиз тирак.
Ҳақиқат ҳамиша дўстга муҳтождир,
Дўстсиз одам доим сукутга маҳкум,
Ҳақиқат кескирдир, лек ноилождир
Занглаган темирлар айласа ҳужум.

ЧЕКСИЗЛИК

Мен самога учдим хаёлдай енгил,
Ер қаърига чўкдим тош сингари зил.
Аммо қаерда у ҳадду чегара?!
Юрган сайин яна ўзга манзара.
Нақадар йироқдир кўзга яқин нур,
Нақадар чуқурда мен излаган дур.
Шавқим ортаверар излаган сари,
Қундузлар бетиним, беҳоб тунлари.
Чегара излайман еру осмондан,
Чегара излайман кўнгил-уммондан.
Сарин шабададан чайқалади кўл...
Минг хил манзарага етказади йўл.
Йўллар шундай ажиб, сўнгги йўқ, беҳад,
Шу йўллардан излар ҳар ким саодат.
Саодат йўлида менинг ҳам изим,
Бахтга интилади бу чанқоқ кўзим.
Қанча бахт нурига чўмилмайин мен,
Қанча шодликларга кўмилмайин мен.
Қонмайман сира ҳам, қонмайман сира.
Гўё бахт энг олис юлдуздай хира.
Ва унга учаман хаёлдай енгил,
Завқ-шавққа тўлади беором кўнгил.
Чегара йўқ экан туйғуларга ҳам,
Кичик бир заррада ҳудудсиз олам.
Қайта-қайта шодлик майидан тотдим,
Баъзан қайта-қайта ўйларга ботдим.
Бизлар қайдан келдик, қайга борурмиз,
Қайларда қолади сўнгги изимиз?!
Барини ўйлайман, ўйлайман узоқ,
Чексизлик қўшиғи куйланар янгроқ.
Зотан, бу улуғвор, чексиз дунёда
Яшамоқ мумкинми бундан зиёда.
Чунки мен ўзим ҳам ўлмас, яшовчан
Чексиз бир зарраман.

Томчи-томчи дур ёғилди лолазор, боғ устига,
Лолаларнинг бағрида қотган алам, доғ устига.

Силкиниб хурсандчиликдан ўйнади япроқчалар,
Шода-шода кўкда маржон томчи япроқ устига.

Ўт чиқарди бемураса ўртада карвон булут,
Кўк ёришди, мисли олмос тегди қайроқ устига.

Сўнгра осмон боғлади, воҳ, турфارانг олтин камар,
Келди шодлик кетма-кет бир бебаҳо чоғ устига.

Бир табассум қилди офтоб, бир табассум қилди кўк,
Зарра-зарра нур ёғилди заррин тупроқ устига.

Эй, Ҳалима, келди кўклам, нурда, япроқда қувонч,
Яйрагил гар қўл узатсанг, етгудек тоғ устига.

Далалар,
 уфқлар,
 сўқмоқлар кулранг.
 Утлоқлар,
 дарёлар,
 қирғоқлар кулранг.
 Сукунат,
 сукунат,
 ээди кўп туман,
 Қани кўзларимни яшнатган чаман?
 Гулзорлар дийдираб туман ичишар,
 Намликлар тутайди, кўзим ачишар.
 Кеч кузнинг бешафқат қалбига боқиб,
 Турибман ҳаётнинг мағзини чақиб.
 Бошимда учмоқда қоп-қора калхат,
 Туман дарёсида сузар сукунат.
 Бағирни эзувчи жимлик ҳукмрон,
 Кўринмас уфқлар, кўринмас осмон.
 Умид-ла кутаман, тоқат бўлмас тоқ,
 Ва оқар бир қўшиқ — сўлим ҳам янгроқ.
 Сукунат портлайди, парчаланур ул,
 Ёришгай далалар, ёришадир йўл.
 Қуёш камонидан отилганда нур,
 Туманлар қумайди — эриб йўқ бўлур.

ОНА

Онажон, тоғларда юрак бўлганда —
Тиз чўкиб пойингга урар эди бош.
Сендек қаноатли инсон турганда,
Асрий муз қоялар беролмас бардош.
Сен нурдек покиза, оқшла, масъул,
Ҳаёт шамчироғи, гўдак бахтисан.
Сендан тафт оладир шикаста кўнгил,
Ҳамма тенг интилган орзу нақди сан.
Ҳаётда қанча кўп бўлса эзгулик,
Сенинг юрагингдан чиққан нур бари.
Борми, ҳей, бу буюк қарзни узгулик —
Дунёнинг бирон-бир бисот, гавҳари?!
Онажон, дунёнинг бор хазинаси
Меҳринг қаршисида ушоқдир, ҳечдир.
Янграсин тонг билан она алласи,
Бошқа хомхаёллар ҳаммаси пучдир.
Осмондан ой бўлиб тушган бирон ким
Сен ҳақда сўз қотар экан беписанд;
У телба ё ваҳший ёки бетаълим,
Уни она туққан деб бўлмас минбаъд.
Қим ета билмаса, она, қадрингга,
Одамзод наслидан эмас, бегона.
Мен ҳавас қиламан азиз умрингга,
Боқийлик сен билан, боқийлик она.

ТАЪҚИБ

Узун-узун йўлларда мен, уфқ сари кетмоқдаман,
Лаҳзаларни сатр-сатр ёзиб китоб этмоқдаман.
Уфқларга, яшир, дея кучли хитоб этмоқдаман,
Туманларни ёриб-ёриб, ҳолин хароб этмоқдаман,
Жаҳду жадал югураман юрагимга ўтлар ёқиб,
Бир куч мени эринмасдан шу кунгача қилар таъқиб.

Бир қадам ҳам нари бўлмай таъқиб этар яна баттар,
Гар тин олсам билмагандай ёнгинамга келиб тўхтар,
Бир пастдаёқ хаёлларим қилиб ташлар ағдар-тўнтар,
Кўз олдимдан изтиробли қанча-қанча ўйлар ўтар.
Мен ҳаётим денгизда кетмоқдаман сузиб, оқиб,
Бир куч мени эринмасдан борган сари қилар таъқиб.

Ортга қайтиб бу кучга мен пешонамни урмай дея,
Қалтироқ, бир кўлмак каби битта жойда турмай дея,
Заифлашиб тулпоримни яна ортга бурмай дея,
Қирғоқсиз бир дарё каби йўл тополмай юрмай дея,
Ташна каби интиламан келажакка мен ютоқиб,
Бир куч менга тикиб кўзин яна-яна қилар таъқиб.

Ойлар ўтар, йиллар ўтар аста-аста ўсар ақл,
Сув ичаман булоқлардан бири ширин, бири тахир.
Еру осмон қўл узатиб бир-бирига бўлар аҳил,
Саробларнинг ранги ўчиб, бўла бошлар юзи заҳил,
Шону шараф, яхшиликлар кела бошлар эшик қоқиб,
Изларимдан қолмай бир куч қилаверар яна таъқиб.

Ўша бир куч юртга садоқатлар туйғусидир,
Ватан учун чекилгувчи машаққатлар туйғусидир,
Ҳалолликка ундагувчи ҳақиқатлар туйғусидир,
Меҳнат билан туғилгувчи маҳоратлар туйғусидир.
Шу куч мудом уфқларда иқбол каби турар боқиб —
Боқиб турар, ҳар қадамим боқиб туриб қилар
таъқиб.

ЮКСАКЛАРДА НИГОҲЛАРИМ

Гўё тушга ўхшайди,
Кўрганларим,
Юрган йўлим.
Олов бўлиб ёнганларим,
Севги тўла эрка кўнглим,
Ва севгидан тонганларим
Гўё тушга ўхшайди.
Энди эса
Баъзан ўкинч,
Баъзан севинч,
Етиб бўлмас юксак орзу,
Гоҳо шодлик, гоҳо қайғу
Юрагимни қилар нотинч.
Суянганим —
Хаёлларим.
Ишонганим —
Иқболларим
Қабутардай мандан узоқ,
Қанча қўймай унга тузоқ
Яна, яна юксакларда уча бошлар,
Менга хиёл назар ташлар,
Ҳар кун турфа ўйин бошлар.
Маҳлиёман кунларимга,
Юксакларда нигоҳларим
Суза бошлар ҳар кун тинмай.
Самоларнинг тинчлигини
Буза бошлар ҳар кун тинмай.
Бахтни шундай юксакликка
Қўйган ҳаёт ёнимдадир.
Ҳаёт менинг жонимдадир,
қонимдадир,
Демак, бахтга етадурман,
Бахт бағрида тин олурман.
Юксакларга парвоз этсин бахту иқбол,
Қутиш қанча қийин бўлса,
Шунча ширин эрур висол.

ЎТАЁТГАН ВАҚТ

Сезилмасдан ўтаётган вақт билан курашдим,
Ҳар лаҳзадан ўз ҳақимни ундирмоғим керакдир.
Сувдек оқин бу фурсатдан
Ҳар кунимга маъно бермоқ кўксимдаги тилакдир.
Йўқлик сари кетса одам умри — бахти қаролик,
Эсингина ўтар гоҳо кунларимиз бемаъно.
Умримиз-ку кунларимиз, кунлар эса саноглик,
Кўзлар чақнаб турмайди-ку бу дунёда доимо.
Шафқатингни дариг тутма, гофил этма, эй вақт!
Умид билан ниҳол экдик ер юзига бизлар ҳам.
Сенда эрур шодлигимиз, куйманишлар ҳамда бахт,
Мақсадимиз — бир одамдай яшаб ўтмоқ чинакам.
Ҳар лаҳзада қалбимизга орзу, умид тўлса соз,
Умидлардир етакловчи одамзодни олисга.
Сен юракка тўлдира бор ўтли ишқу эҳтирос
Ҳаёт ширин, эзгу эрур муҳаббатли юракка.
Маҳобатли доvonлардан ўтмоқ учун яшаймиз,
Вафодорлар суҳбатидан, дейман, кўнгил бўлсин тоғ.
Гўдакларни эркалатиб суймоқ учун яшаймиз,
Юраклардан ўчсин, деймиз, қачонлардир тушган доғ.
Биз кўрмаган табассумни сен сақлайсан пинҳона,
Сенда турар ҳудуди йўқ, биз юрмаган сўқмоқлар,
Ғафлатни қув дилимиздан, то тўлгунча паймона
Яширмасин кўзимиздан жамолини йироқлар...
Сезилмасдан ўтаётган вақт билан курашдим.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Ҳеч бири ўзини камситгиси келмайди,
ҳатто бегемот ҳам...

Бўриларни-ку қўяверинг —
қафасда турмаса қанча ҳодиса.
Тулкилар ўзини осмонда сезади,
шундоққина айби турса ҳам кўриниб,
кўзингизга кулиб тураверади.
Айланиб ўтади атрофингиздан —
қўлингиздан қандай чиқиб кетганини
сезмай ҳам қоласиз.

Бўри кимлигини яширмайди —
бўри бўлгандан кейин

оғзи қон:

ёвузлик, ёмонлик унинг ҳунари.
галалариб ҳужум қилганда
сийрақлашар қўйлар подаси,

Капалаги учар чўпоннинг.

Яхши ҳам итлар бор

бўриларга бас келадиган.

Баъзан тулкиларга алданади улар.

Тулки ит шаклига ҳам кира олади,

бўрилар ичида бўрига айланар,

оҳулар ёнида оҳу,

Товуслар қошида товланар —

ана шундай қилиқлар билан

мақсадга етади тулкилар.

Тўши гижирлаган бўрида,

нахмоқ айиқларда —

озгина бўлса ҳам мардлик бор:

хоҳласа бир йўла ғажиб ташлайди —

ва ёки... Аммо тулкилар —

йиртқич ҳайвонларнинг энг ярамаси,

улардан қутилиб бўлмайди...

Майли, бир харсангтош тоғман, деса ҳам,
 Майли, бир жылгача дарёман, деса.
 Аммо, қалбим исён кўтаргил шу дам,
 Ёмонлар яхшини қоралаб юрса.
 Харсангтошнинг ҳоли маълум ҳаммага,
 Ҳовлиқма жилғанинг борар жойи ҳам.
 Аммо ҳушёр бўлгин беюз одамга,
 Ёмонликлар келар ундан чунонам.
 Қалбим сен ўзингни қилиб эҳтиёт,
 Бўхтонни тингласанг беэътибор, жим,
 Минг бир томирларим кўтарар фарёд,
 Руҳий хиёнатдан қийналар жоним.
 Юз йил ё саксон йил тўниб ўтгандан,
 Рўйирост бир онни афзал санайман,
 Ҳамиша мардликни сўрайман сендан,
 Ҳолинг қанча бўлса шунга ярайман.
 Майли, бир харсангтош тоғман, деса ҳам
 Майли, бир жылгача дарёман, деса.
 Аммо, қалбим, исён кўтаргил шу дам,
 Ёмонлар яхшини қоралаб юрса.

Тип-тиниқ, абадий чашмадир ҳаёт,
Ташна юрак билан излайман уни.
 Қуш сингари кўкда қоққанча қанот,
 Чумолидай тортиб умр юкини,
 Ташна юрак билан излайман уни.

Топгандай бўламан, ичаман қониб,
 Дилда ўсар меҳру шафқат гуллари
 Ва яна юрагим кетади ёниб,
 Ташналик кучаяр ичганим сари,
 Дилда ўсар меҳру шафқат гуллари.

Шу экан яшашнинг қонуни азал,
 Қанча толиқсак ҳам севиб яшаймиз.
 Ҳаётнинг боғи-ю, чўллари гўзал,
 Чанқоқ кўнгилларни ундан безаймиз,
 Қанча толиқсак ҳам севиб яшаймиз.

Барибир бўм-бўшдай туюлар кўнгил,
 Орзу-истакларнинг поёни йўқдир.
 Қанча имкон бордир ўстирмоққа гул,
 Инсон яратishi билан улуғдир,
 Орзу-истакларнинг поёни йўқдир...

Ташна юрак билан излайман уни.

СИЗ ЎЛГАН ЭМАССИЗ...

Саида Зуннуновага

Кўз ёши тўкишга ҳаққим йўқ асло,
Гарчи юрагимга санчилди бир «ўқ»..
Наҳотки, умрингиз бўлибди адо,
Сиз ўлган эмассиз, йўқ, йўқ.

Одамлар қалбида, гўзаллик бағрида
Яшайсиз абадий, кўнглим тўқ.
Кўркем жамолингиз, наҳот, ер қаърида?!
Сиз ўлган эмассиз, йўқ, йўқ.

Ишонгим келмайди, ишонгим келмайди,
Бевақт сўнишига оташ-чўғ.
Наҳотки сизсиз ҳам бу боғлар гуллайди?!
Сиз ўлган эмассиз, йўқ, йўқ.

Юракни бағишлаб муқаддас шеър учун,
Мен учун, биз учун — минг қуллуқ, минг
қуллуқ!
Нечун таслим бўлди, бу юрак не учун?!
Сиз ўлган эмассиз, йўқ, йўқ...

Бутун шодликлари, бор ташвишлари,
 Барча жилваси-ла севдим ҳаётни.
 Камалак рангида кўринишлари,
 Қалбимга тўлдиран ажиб бир тотни.
 Кимдир мени иззат этар доимо,
 Кимдир ёмон кўрар, айб ўзимда.
 Ҳар ялтироқ қуртга бўлмадим шайдо,
 Фириб сақламадим икки кўзимда.
 Кўнгилдаги гапни айтаман мудом,
 Кимгадир ёқмас бу буни биламан.
 Аммо туйғулари покиза одам —
 Кўнглигидан доим фахр қиламан.
 Покдир одамларнинг ишончи ҳар дам
 Ҳаёт муҳаббатин тўлдиран дилга.
 Иккиланиб турмай айтаман дангал,
 Недир тинчлик бермай турса кўнгилга.

ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚДИР

Орқага қайтдим кўп бор ҳаётда —
Аёлми, эркакми мард бўлмоғи шарт.
Етганда яхшилик деган муродга
Малҳам тоша олди дилимдаги дард.

Орқага қайтдим, йўқотиб қўйган
Ҳаёт — юлдузимни топдим ва яна —
Умр бўстонимда севимли бўлган —
Ғунчаларим билан турибман, мана.

Юксак эътиқодли бўлмоғим лозим,
Юлдузни яширдим кўнгил тубига.
Бу юлдуз севгимдир, олмос юлдузим,
Учрамасин нопок таассуфига.

Кўнгилни ёритсин бу юлдуз тамом,
Ўзга фалсафалар бари пуч, ёлғон.
Шу юлдуз шуъласи бергайдир ором,
Сўнса кўнгил мулки бўлгайдир вайрон.

Йўқ, ортга қайтмоғим душвор у дамда,
Бебошвоқ хаёллар бўлгай менга ёт.
Орқага йўл йўқдир, дўстим, чамамда,
Энди келажакни қилайлик обод.

Орқага йўл йўқдир...

Осмон тўла булутлар югурмоқда,
 Бола булбул сайраб турар бутоқда.
 Тез инингга бекинсанг-чи, миттижон,
 Ҳора булут сузиб келар бу томон.
 Ёмғир ўтмас уст-бошимни кийдим мен,
 Писанд этмай йўлга қадам қўйдим мен.
 Машаққатни мен-ку, мудом енгаман,
 Сенга бир оз қийин бўлар, миттижон.
 Шамолларда баъзан қолдим бир ўзим,
 Қум тўлганда ачишди икки кўзим.
 Йўллар узун, инсон ёлғиз қолар гоҳ,
 Селдан қочиб топгунича бир паноҳ.
 Раҳмат, дейман тақдиримга мен ҳамон,
 Енгил-елини яшамадим ҳеч қачон.
 Дўстсиз эдим, дўст ҳам топдим, ёнимда,
 Садоқатли туйғу оқар қонимда.
 Мақсад йўли узун экан жуда ҳам,
 Бу ҳаётда етганларим ҳали кам.
 Мен ўзимдан устун чиқмоқ истайман,
 Машаққатли сўқмоқларни излайман.
 Равон йўлда юрмоқ осон ҳар кимга,
 Бардош билан буюраман қалбимга.
 Қалбим эрур ҳаётимнинг чироғи,
 Билинмайди менга йўлнинг йироғи.
 Ол уфқдан тўкилмоқда шуълалар,
 Адир узра силкинмоқда лолалар.
 Шуълалардан чеҳрам олар қизиллик,
 Лолаларда мен излаган гўзаллик.
 Ҳора булут шаррос қуяр шу замон,
 Тез инингга бекинсанг-чи, миттижон,
 Ёки сен ҳам менга ҳавас этдингми?!

Шу дунёда яшасам, бас, қўрқитма қайғу,
 Ичаётган ошимга сен ташлама оғу .
 Суянчимдир — гулистонлар, ўрмон, қир, тоғу
 Ўтлоқлару пахтазорлар, дарёю боғу,
 Ўлгунича бу дунёга меҳриму розим,
 Муҳаббатга тўлиб-тўлиб янграр овозим.

Ўз бахтимни яратурман меҳнатим билан,
 Машаққатни енгадурман шиддатим билан.
 Қўнгиларга йўл топаман суҳбатим билан,
 Армони қул этадурман журъатим билан,
 Мен ердирман, барча юкни кўтаргайман шод,
 Қўрқув билан ҳаётимни этмайман барбод.

Парваришга муҳтож бўлиб қолсам гул мисол,
 Одамларнинг меҳри бўлғай менга куч-мадор.
 Мен қуёшнинг фарзандиман, юзларим ол-ол.
 Шу дунёда инсон бўлиб топурман камол,
 Тош бағрида гул ундириб яшарман ҳар чоғ,
 Истақларим чашма эрур, бардошларим тоғ.

Ким қайғу йўқ, дея олар кўҳна жаҳонда,
 Синовларни енгиб ўтган инсон инсон-да.
 Мен қайғусиз бахтиёрман, дейиш осон-да,
 Ҳаёт наҳри тўлқин урар томирда, қонда,
 Шунинг учун бу дунёни севаман жондан,
 Дунё ўзи яралгандир руҳий тугъндан.

ҚАЙДА У ЯШИЛ МАЙСА

Бир яхши шеър излайман,
Топмай ортар азобим,
Кўздан қочади хобим,
Қийнайди изтиробим,
Топмагунча тинмайман
Бир яхши шеър излайман.

Қаерда у, дилдами?
Бепарво кўнгилдами?
Олис-олис йўлдами?
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Соғинч қийнар ҳар лаҳза,
Қайда у, яшил майса?
Қани, бу дард пасайса,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Қиров булут, қор булут,
Аёвсиз маккор булут
Кўк юзидан нари кет.
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.

Чексиз осмонда бўлса,
Ою Чўлпонда бўлса,
Ёруғ жаҳонда бўлса
Топмагунча тинмайман.
Бир яхши шеър излайман.

Бу тоғлар шубҳасиз улуғ, басавлат,
Рўмолим бошимдан сирғанар боқсам.
Йўл юрдим, мўл юрдим, келдим ниҳоят,
Тоғлар бошланади қўйсам бир қадам.
Бир қадам босдингми, қайтмоқ мушкул,
Йўл топиб юрмоқлик ундан ҳам оғир.
Менга йўл кўрсатгин, эй сайёҳ кўнгил!
Бу тоғлар очсаю очмаса бағир.

БАТАН

Фақат тупроғингни кўзга суртишу
Севаман, дейишлик бу меҳр эмас,
Сени деб шодланса ва тортса қайғу
Сени деб яшаса, шунинг ўзи бас.
Ҳар бир қаричингни сақламоқ учун
Не-не паҳлавонлар тўкди қанча қон.
Берган нон-тузингни оқламоқ учун
Жонини беришдан қўрқмади инсон.
Дунёда энг ширин не деб сўрсалар,
Оналар аввало айтарди: фарзанд.
Дунёда энг улуғ не, дейишсалар
Ватандан ўзгани қўймаслар баланд.
Менинг ҳам уйимсан, бепоён диёр,
Сенинг чироғингни мен ҳам ёқгайман.
Сен менга онасан, дўстсан ва дилдор,
Ҳар бир гиёҳингни ардоқлагайман.

ЧУМЧУҚ

У — бу дейсиз чумчуқни,
Пойлаб отасиз ўқни,
Бошқа дардингиз йўқми?
У жуда вафоли қуш.

Тонгни кутиб олар у,
Ҳамиша чала уйқу.
Сира билмайди қайғу,
У жуда сафоли қуш.

Боғларга тўлиб кетар,
Боғбон ҳа-ҳулаб ўтар,
Қуртларнинг умри битар,
У жуда даволи қуш.

Учар ғасл танламас,
Боғларини ташламас,
Унга ҳаёт бўлса, бас,
У жуда ҳаволи қуш.

У жуда вафоли қуш.

УМРИМ ДАРЭСИ

Интилмайман қирғоққа, дарёдаман, дарёда,
Битта умр бўлурми бундан ортиқ, зиёда?
Одамларнинг умрига умр бўлиб қўшилдим,
Офтобнинг бағрига бир нур бўлиб қўшилдим,
Учса, мен ҳам учарман, юрса, мен ҳам пиёда.

Сахроларда янтоқдай ёлғиз-ярим ўсмадим,
Оқаётган тўлқинни харсанг бўлиб тўсмадим.
Оқин ичра томчиман, ҳаракатда ҳар маҳал,
Ер бағрига томирдай кириб боргум муқаррар,
Ҳаёт илдизларидан мангуликни изладим.

Мангуликни бир ўзим ҳавас этсам — гўдаклик,
Ҳар одам ҳам армонли, ҳар одам ҳам тилакли.
Ғоқий ҳаёт бағрида йўқолмайди изларим,
Одамлар деб яшасам, нур қидирса кўзларим,
Ҳаёт учун ҳамиша бўлиб қолсам кераклик.

Лоқайд бўлсам, дўстларим, кечирмангиз ҳеч қачон,
Дўстликнинг пок меҳрини ичирмангиз ҳеч қачон,
Мақтамангиз ҳеч қачон йўқлигимни бор қилиб,
Кўрсатингиз кўзимга бу дунёни тор қилиб,
Дўст бўлсангиз, доғимни ўчирмангиз ҳеч қачон.

Токи ҳаёт гулини олиб ўтай сўлитмай,
Боболар ишончини яшнатайин қуритмай.
Токи жон ороми, деб умрни қилмай ҳалок,
Вақт ўтиб ёқамни айламай сўнг чок-чок,
Яшаб ўтай инсоний туйғуларни унутмай.
Интилмайман қирғоққа, дарёдаман, дарёда!

БАҲОР

Тоғ бошида, музларда эдинг,
Қор бекитган изларда эдинг,
Кўп соғинган кўзларда эдинг, баҳор.

Музлар кетди, чўнг тоғлар қолди,
Қорлар кетди, сўқмоқлар қолди,
Зоғлар кетди, чорбоғлар қолди, баҳор.

Чидам билан кутганларга кел,
Қишдан заққум ютганларга кел,
Сенга юзин тутганларга кел, баҳор.

Бешик-бешик тўлқин бўл сойда,
Ёрқин-ёрқин ёғду бўл ойда,
Яйраб-яшнаб ўйна ҳар жойда, баҳор.

Ўн саккиз ёш қизнинг бахти бўл,
Ибо тўла кўзнинг бахти бўл,
Олисдаги кузнинг бахти бўл, баҳор.

Энди уч ой олам сеники,
Еру осмон, одам сеники,
Шодлик билан бор ғам сеники, баҳор.

Ишончларга етказма путур,
Соғинганман, кел, кўзимга нур,
Ёрим бўлиб ёнимда ўтир, баҳор.

Умр ўтаяпти, лаҳзалар сим-сим,
Нега жим яшайсан, эй соҳибжон.
Изсиз ўтмасам, дер дунёдан ҳеч ким,
Қорайиб оқарар тинмасдан осмон.

Фурсат ғанимат, деб куйлайди булбул,
Дарахтлар тебраниб беради садо.
Эшит, шивирлайди ҳар япроқ, ҳар гул,
Эзгуликка ўзин қилмоққа фидо.

Ҳаёт ўтаяпти бирам шиддатли,
Вақтни бой бермоқ телбалар иши.
Лаҳзалар томчидай тиниқ, қимматли,
Янграётир қушнинг ўктам товуши.

Булбул бўл, ҳаётда ё ўзга бир жон,
Қўлингдан келмаса чумчуқ бўла қол.
Ҳеч нарса бўлмаслик ҳаммадан ёмон,
Ўтма бўлиб фақат муаммо, савол.

МАНЗАРА

Ўн беш кунлик ой нурига чўмиб ётар дарахтзор,
Сутдек ойдин шуълаларга гўлиб оқади анҳор.
Ойдин кеча сукунатин бузар она алласи,
Оқ сут эмиб, оқ кечада ухлаб қолар боласи.

Тун қушлари овоз қилар бутоқлардан гоҳ-гоҳ,
Секин-секин одимлайди боғда оппоқ арғумоқ.
Новдалардан чак-чак томар оқ шуълалар маржони,
Оҳ, бу кеча дарахтларнинг сира йўқдир армони.

ҚАЙТМАС ДАҚИҚАЛАР

Тинглашни биласанми, қушчанинг дарди нима?
Нега бунча ёлвориб, хониш қилар саҳардан?
Тинглаб туриб шу тобда бир гап келди кўнглимга,
Балки сўйлаётгандир қайтмас дақиқалардан.

Қуриган дарахт шохи гичирлайди куну тун,
Умид қилаётгандай келаётган баҳордан.
Қай биров болта чархлар, қилмоқчи бўлиб ўтти,
Аммо у куйламоқда қайтмас дақиқалардан.

Дарёга қуйилганча қотиб қолди прмоқлар,
Чопқиллаб ўтиб ёздан, музладилар қиш-қорда.
Олов нафас кунларнинг қадри ўтди бу чоқлар,
Товуш берар қотган сув қайтмас дақиқалардан.

Кўкракда гурс-гурс уриб, ўзидан бериб дарак,
Меҳрдан тўлқинланиб, маъюсланиб озордан,
Бепарво одамларни ҳушёр қилади юрак,
Огоҳ этиб ҳамиша қайтмас дақиқалардан.

Сенга ҳам, менга ҳам етар бу дунё,
Караминг кенг бўлсин, шудир муддао.
Ҳар уйдан кўтариб чиқишиб челақ,
Сув олишган билан камаймас бешак.
Бир дарахт шохида пишган олмани
Бир ўзинг емайсан, ўйлаб кўр, қани.
Бу дунё етади насиб қилганга,
Ҳар лаҳза илмдир уққан, билганга.
Бу ёқда бир ниҳол экиб, кўкартиб,
Ўзга боғ мевасин юрасан тотиб.
Одамни ҳавас-ла эсларкан одам,
Унга бу шарафдир, бахтдир чинакам.

ҚУЛАШ

Чириб битган тўнгатка эмас,
гуркираб турган
 дарахтга ачинаман.
У жуда кўркам,
бўрон билан олишаётганда
пахлавонга ўхшаб кетади.
Қанотини ёзган бургутдай
 учишга интилади,
аммо илдизлар...
ерни маҳкам қучоқлаб олган.
Аммо мен ана шу қудратли
 дарахтга ачинаман —
кўрки, малоҳати тугамаса, дейман.
Анави дарахтнинг танасида,
 баргларида
 қурт ўрмалаб юрибди.
У сезмайди.
Қуртлар эса баргдан баргга,
 шоҳдан шоҳга ўтиб
 кемираверадилар.
Дарахт парво қилмайди.
Унинг танасига уя қуриб олиб,
болалаб кетади қуртлар.
Навбат илдизларга.
Дарахт йўл очиб берган қуртларга,
илдиз бардош бера олмайди —
 қирқилиб кетади.
Қучли бўронларга дош берган
дарахт
арзимас шамол турткиси билан
 қулайди.
Шамолни айбдор қилиб бўладими?
Йўқ.
Қулаш эрта бошланган эди,
дарахт сезмади.
Бепарволикдан кўра ҳам
 ёмонроқ душман йўқ.
Мен ачинаётган дарахт
 жуда ҳам ёш, кўркам —
аммо унинг силлиқ танасига,
яшил баргларига қурт тушмадимкин?!

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

I.

Ўша кун, ўша тун — қисқа ё узун,
Аммо муҳит ўзга, куз келди бугун.
Салга шовқин солган қушлар ҳам бир оз
Сокин қўшиқ айтар шу фаслга хос.
Майсалар бошини тупроққа қўйди,
Чумоли дон ташиб ниҳоят тўйди.
Гуллар ҳам очилиб бўлдилар энди,
Саёз ариқчалар оқишдан тинди.
Дарё ва сойларда тиниқдир оқим,
Аввалгидай эмас, тўлқинлар ҳам жим.
Фақат булоқларда қайнаб чиқар сув,
Фақат булоқларда жўшқинлик мангу.

II

Мен кузда осмоннинг тиниқлигидан,
Оппоқ хирмонларнинг улуғлигидан
Қувониб кетаман боладай худди,
Ана тизилишиб турналар ўтди.
Қизиқ, ҳар жойга ҳам қўнмас бу қушлар,
Иссич ўлкаларда келишар қишлаб.
Турна ташлаб кетган куз қолар хомуш,
Соғиниб сочлари бўлади кумуш.
Дарахтлар шох ташлаб гўё ҳар ёнга,
Эгилар турналар кетган томонга.
У ёқдан илиқлик нафаси келар,
Қушларга ҳамманинг ҳаваси келар.

III

Ўйларим чувалиб кетди бошданоқ,
Кузнинг келиши ҳам сал бошқачароқ.
Таъсирчан кўнгиллар кўника билмас,
Ёздан дил узолмай юрарлар, бу сирмас!
Аслида кузнинг ҳам ўзга гашти бор,
Вужудга солади тиниқлик, виқор,
Дарахтлар баргичи тўкиб бўлганда,
Хирмонлар «оқ олтин» билан тўлганда,
Ўрилиб, йиғилиб бўлганда экин,
Деҳқон хиргойисин тинглайман секин.

Тинчлик, хотиржамлик оҳанги келар,
Қўшиқда туфроққа омонлик тилар.

IV

Шу ерда майсадай униб, кўкариб,
Майлига куз келгач, кетсам ҳам қариб.
Бунда яшамоқнинг ўзга тоти бор,
Одамнинг одамга илтифоти бор.
Ҳавони тозалаб ўтганда ёмғир,
Тоғлар ҳам яқинроқ келдилар бир-бир.
Йил бўйи ишлаган, курашган деҳқон
Ёрига термулди меҳрли бир он.
Яшаш, интилишдан эринмас сира,
Одамзоднинг қалби мангу бокира.

ГУЛ, ОҲУ, ОДАМ

I

Шўразорда гул битса агар
Сўлар айна навбаҳорида.
Зар қадрига етади заргар,
Лола ўссин лолазорида.
Яйраб ўсмас асло ёлғиз гул;
Кенг дала ҳам бўлгай унга тор.
Гул кўрки ҳам очилмас буткул,
Атроф ахир бўлса шўразор.

II

Бўриларнинг орасида ҳеч
Кун кўролмас мафтункор оҳу.
Кўзларида чақнамас севинч,
Ҳамроҳ бўлар ҳамиша қўрқув.
Бўриларнинг орасида у
Йиртқич бўлиб увлаши керак,
Ахир бундай қилолмас оҳу,
Бошқачадир ундаги юрак.

III

Одам билан кучлидир одам,
Танҳо қўйманг уни ҳеч қачон.
Гул, оҳудай яшолмас у ҳам,
Ёлғизликда қолгани замон.
Яхши бўлса яхшига ҳамроҳ,
Боши доим баланд бўлади.
Олис манзил очади қучоқ,
Катта йўллар бунёд бўлади.

Шўразорда гул битса агар...

АЁЛ МОНОЛОГИ

Олисдан келдим мен, йўл беринг, ўтай,
Балки минг йил бўлди, балки миллион йил.
Ўрлардан, жарлардан ошдим-а, бай-бай,
Тиг дамидай ўткир бу йўллар минг хил.
Тиканлар санчилди товонларимга,
Юрагимга чангал урди қашқирлар.
Бўрилар ин қурди довонларимга,
Тупурдилар ошкор кўнгли басирлар.
Дунё яралгандан буён йўлдаман,
Ошён тополмадим ўзга муносиб.
Гоҳ фосиқ, гоҳ жоҳил, нодон қўлдаман
Яшаб ўтавердим пар каби тўзиб.
Қайсидир нодондан чиққан бир бидъат,
Темир кишан бўлди бўйнимга мангу.
Қўлларим кўтариб қилдим ибодат,
Кўкармади қотган куртакдай орзу.
Ожизлик илмини уқтирдилар хўп,
Қулфланди фикр, ҳислар вулқони.
Майсадай сарғайди жасоратлар кўп,
Кишандайди аёл ҳадди, имкони.
Юртга бош бўлганда Тўмарис хотин
Афсона, дедилар, ёки тасодиф:
Мард эркакдай маҳкам сақлади юртин,
Қалби қатъиятли суҳбати латиф.
Ожиз топилганда аёл идроки,
Озар ўлкасини қилиб фаровон,
Янгради Махсатийхоним байтлари,
Қуйлади Низомий билан ёнма-ён.
Парижлик Жанна д'Арк ўн етти ёшда
Буюк халқ лашкарин бошлади жангга.
Ожизларга ибрат бўлди бардошда,
Бокира жон фидо қилди ватанга.
Зебунисобегим ҳинду элида
Шаккар талаб этди илон оғзидан.
Неча минг армонлар қолди кўнглида,
Боболар юртининг тотмай тузидан.
Мария Кюри илм дунёсига
Янги сўқмоқларни очгани аён.
Тирик бўлиб турди Ленин даҳосига
Крупская улуг ишга тикиб жон...

Аёл ўтган йиллар узундан узун,
Сахро, гирдободдан ўтган карвон бу.
Бугунга келиб у бахтидан мамнун,
Не-не жаҳаннамдан соғ қолган жон бу.

Рўзғорга бекалик, тарбият қилмоқ,
Аёлга онадан азалий мерос.
Илму иродасин қилиб у байроқ,
Валентина бўлиб айлади парвоз.

Ўзбек диёрида ўсган ҳар чечак,
Зулфия сўзидан рангланар ҳар чоқ.
Ҳислар туғёнидан рангин камалак,
Севги, садоқатдан унган дала, боғ.

Олисдан келдим мен, йўл беринг, ўтай,
Йўлдаман, балки минг, балки миллион йил.
Ўрлардан, жарлардан ошдим-а, бай-бай,
Тиғ дамидай ўткир бу йўллар минг хил.

АНГЛАМОҶЧИ БЎЛАРМАН УНИ

Уни кимдир қилар айбдор,
«Ҳаракати сиғмас қонунга».
Кўринмаган нималардир бор,
Ташаббусдай туюлар менга.
Тайёр бахтдан юз ўгирди у,
Етим қолди имкониятлар.
Из тушмаган йўлга юрди у,
Бошлаб кетди қандай ниятлар?
Ахир бу йўл, балки, хатардир,
Адоғида кутар нималар?
Қандай жазм, қандай сафардир
Ақли унинг нени чамалар?
Кўзларида ўзга бир ишонч,
Вужудида ўзга бир ҳайбат.
Кулмоқда у, бу қандай қувонч?
Нафасида ажиб ҳарорат.
Балки унинг мўъжаз ҳаёти
Эл бахтининг товланишидир?!
Эл орзуси, элнинг муроди
Ҳақиқатга айланишидир.
Қилиб бўлмас сира айбдор,
Ўзгачароқ ўтса тун-кун.
Кўринмаган нималардир бор,
Англамоқчи бўламан уни!

ЕРГА ЁТ ЭМАСМАН

Осмон аввал-бошдан бебаҳо хилқат,
Юлдузлар фалакда қилар фароғат.
Аммо мени ердан айирманг фақат,
Шу азиз тупроқда унган гиёҳман.

Илдизим ер билан чатишиб кетган,
Бобо, момоларим шу жойда ўтган,
Бахтга, ризқиға шу ерда етган,
Инсоний бахт излаб чиққан сайёҳман.

Ерга бегона ҳам яшар шу жойда,
Кўксида заминни кул қилмоқ дарди,
Ер бахтига посбон инсоннинг марди,
Ерга ёт эмасман, мен ҳам тупроқман.

Шу она тупроқда ўтсин ҳар оним,
Ундан қувват олар қалбим, имоним,
Ер ташвиши менинг олса-да жоним,
Оташ севгим билан унга паноҳман.

КЎЧАДАН ЎТИБ БОРАЁТГАН АЁЛ

Кетаётган аёл, сенинг ўйингга,
Фикрингга, орзуйинг, мақсадларингга,
Ишчан юрагингга айланиб қолдим.

Дук-дук ураяпман гўё бўлиб жон,
Кўзингга нур бўлиб жойлашдим тамом.
Ёрқин ранглар излаб киприк қоқаман,
Гўдакка меҳрибон ташлайман назар,
Кўксингга босаман кўтариб озод.

Меҳримни бераман, бўлсин меҳрибон,
Митти қалб уйғонар чучук сўзлардан,
Ҳаётнинг мағзини олар бизлардан.
Эзгу ҳис ҳокими бўлса бу гўдак
Элига, юртига наф тегар кўпроқ...

Кетаётган аёл юрагинг бўлиб
Севаман севгига ошно юракни.
Гўдакнинг бахтидир ўтли муҳаббат,
Ҳаётнинг обрўси покиза севги.

Ёшликнинг қудратли даври бу онлар —
Из солиб вақтнинг сўқмоқларига
Чаманлар яратиб бораман дадил...

Кетаётган аёл шууринг бўлиб
Ватанинг тақдирин қўярман баланд:
Дунёда абадий тинчлик истайман,
Инсоният бахтин ўйлайман ёниб.

Хотирдан чиқмаган уруш, мусибат —
Аёллар кун бўйи, тун бўйи қолиб
Кўз ёш-ла суғорган пахтани, донни.

Бу менинг рафиқам, бу менинг онам,
Бу менинг синглимдир, бу ахир аёл —
Дегувчи йигитлар кечар эди қон.

Эшикни бир ўзи очарди аёл,
Эшикка бир ўзи соларди қулф...
Осуда замонлар келди-ю, аммо

Ҳавода турибди баҳайбат бир тош,
Тушса гар заминни босар бус-бутун.

Ушбу тош девона хаёлидир, бас —
Учинчи урушда музаффар бўлмас.
Нимадир бу тошни муаллақ тутган?
Тириклик руҳидир, руҳ мангу ўлмас!

Шу руҳни сингдириб гўдак қалбига
Ўстирган аёлнинг шуури кучли.
Аёлки яшаркан гўзал заминда
Тинчликни сақлашга ҳамиша бурчли!

ШУ ОНДА ДУНЁНИНГ РАНГИ ЎЗГАРДИ.

‘Саҳарлар нигоҳинг бўлади шаффоф,
‘Озод бир қуш каби учгудай юрак.
‘Қарасам қалбингдай осмон мусаффо,
‘Кўнглингдай яшаган зангор теварак.
‘Гулларнинг юзида эрка табассум,
‘Шарқираб оқади ариқларда сув.
‘Болари бол йиғиб тинмайди бир зум,
‘Шамолда шабнамлар тўкилар дув-дув.
‘Дарвозам ёнидан ўтар одамлар,
‘Кетарлар одимлаб истиқбол сари.
‘Дўстларинг сўрашар, на хуш бу дамлар,
‘Самимий, серфикр, меҳнаткаш бари.
‘Сен ҳадя айлаган қувонч, нур билан
‘Уларнинг сафида бораман дадил.
‘Йўлимга меҳрдан сен солган гилам,
‘Қалбимда эъзозинг ўсар муттасил.
‘Бошини эгганча борар бир одам,
‘Умримда дуч келдим унга илк бора.
‘Хаёлан ўйига бўламан ҳамдам,
‘Қалбида не бордир, англасам зора.
‘Балки у кетмоқда ненидир кўзлаб,
‘Балки у бировни айлаган бахтсиз.
‘Эҳтимол юрибди толеин излаб...
‘Қарҳолда бу менга қоронғу, эсиз.
‘Ўзимга айтаман: Асл одам бўл,
‘Кимлардир сен ҳақда ўй сураб бу он.
‘Баъзида жуда тез тугаб қолар йўл,
‘Бир-бирин тушуниб олгунча инсон.
‘Ҳаётга бағишла қалбинг ўтини,
‘Сўз билан қалбларга ёқа бил чироқ.
‘Азиз тут ҳамиша она юртингни,
‘Бўлсанг ҳам юксакда юлдузга ўртоқ.
‘Унутма, ер сенинг бошингда эмас
‘Ва ёки осмонни турмайсан ушлаб.
‘Қар эзгу нарсани айлагин ҳавас,
‘Қар дўстни манзилга кета бил бошлаб.
‘Шу онда дунёнинг ранги ўзгарди,
‘Сен эса кечаги хаёл билан банд.
‘‘Чанг босган кўзгунинг артилди гарди,

Дунё тиниқликдан бўлди бахраманда.
Сен энди ўзингни ўйлама асло,
Дунё ишларидан бўлгил хабардор.
Дунё яшар экан сен борсан, аммо
Курашгил она-Ер бўлмасин мазор.
Улғайсин қалбларда шафқат ва меҳр,
Буюк севги билан яшарсин дунё.
Севгисиз ҳаётнинг неъматин тахир,
Олқишим сенгадир, эй, меҳри дарё.

Виждонига доғ тушмаган дўстни изладим,
 Оҳорини йўқотмаган сўзни изладим,
 Олис йўлда менга ҳамроҳ изни изладим,
 Ҳар жабҳадан, буюк инсон, сизни изладим,
 Топганимда дунё яна бўлди ҳусндор,
 Ғоят улуғ, бирам гўзал, қанчалар дилдор.

Гоҳо кўзга ташланмайди қирланган виждон,
 Гоҳ валломат ниқобида бўлур намоён.
 Қилмишидан, кечмишидан бўлгунча аён,
 Шумлигини билиб бўлмас, шунчаки, осон,
 Қалбим, ундай нусхалардан доим ҳазар қил,
 Кўринса ҳам бир беқиёс соҳиби ақл.

Иссиқ бўлур чин юракдан айтилган сўзлар,
 Бу сўзлардан эриб битар дилдаги музлар.
 Тўғри гапдан чақнаб кетар кўкда юлдузлар,
 Одил жонлар доим эзгу мақсадни кўзлар.
 Оҳорини йўқотмаган ҳар бир сўз учун,
 Мен умримни бағишлашга тайёрман бугун.

Буюк инсон, сизни доим меҳнатда топдим,
 Ҳалолликдан кўрганингиз ҳурматда топдим,
 Давраларда, баҳсларда, суҳбатда топдим,
 Излагандим, ҳаёт аро бир аҳдда топдим.
 Мендан бахтли кимса йўқдай жаҳонда бу он,
 Қудратлидир виждони пок дўст билан инсон.

ИККИ САДА

Йўл бўйида икки сада узоқ-узоқ яшамоқда,
Неча-неча йўловчига кўланкалар тўшамоқда.

Узун-узун ҳаётидай шохлари ҳам катта-катта,
Бир бирига бўлиб тирак яшамоқда икки сада.

Бир — отам, бири — онам, суянганим, чўнг
тоғларим,
Сайр айласам, ўшалардир қучоқ очган, гулбоғларим.

Мен узоқдан қўш садага соғинч билан тикиламан,
Ҳузурига учиб бориб қучоғига, воҳ, кираман.

Йўл бўйида икки сада узоқ-узоқ яшамоқда,
Неча-неча йўловчига кўланкалар тўшамоқда.

Юрагимда бир хўрсиниш пайдо бўлар боққан сайин,
Куз ойлари шохларига оқ мезонлар таққан сайин.

Мен уларнинг ёшлигига айланаман бир ёнида,
Акаларим, укаларим юлдуз бўлар осмонида.

Мен уларга боққан сайин кенгайди тасаввурим,
Икки сада ҳаётдан ўсиб борар тафаккурим.

Бу ҳаётнинг мардлигига тан бераман шунда лекин,
Икки дарахт улғаймоқда, улғаймоқда аста-секин.

Улғайгани сари улар маъюслигим ошар ҳаддан,
Иккисига узоқ умр тилайдирман табиатдан.

Истайманки, ўз ўрнини узоқ-узоқ қилсинлар банд,
Ер юзининг боғларида иккиси ҳам турсин баланд.

Улар билан олам гўзал, табиатнинг бағри бутун,
Бу ҳаётим мавосини бегаб турсин икки устун.

ИШҚ ТАРОВАТИ

Юрагимда ишқ таровати...
Бу гўзал туйғунинг илдизи теран:
Унмиш киндик қоним тўкилган ердан,
Онам алласидан куч олган илк бор.
Онамнинг отамга чуқур эҳтироми,
садоқати билан жонланган.
Сўнг Ватан туйғуси, дўсту қадрдонлик,
элимга ҳамдардлик билан йўғрилган.
Қаттиқ кунларни ҳам кўрган бир вақтлар:
Бўронларга чиққан бир ўзи — тикка.
Унинг кўз нурига ғаним дош беролмаган,
яқин келолмаган бу ёруғликка.
Ҳақиқат бир томон, ёлғон бир томон,
аросат дастида қолса ҳам, инон,
қоғозгулдай эрмак бўлмаган асло —
бўлмаган ўткинчи ҳисларга қурбон.
Қадрини сақлаган ҳар қандай пайтда.
Баҳорда чигитдай унган далаларда
юлдузлардан тинглаб сирли эртақлар.
Реза тердай иниб тонгги шабнамлар
митти баргларини яшнатган.
Совуқда, шамолда, дўлларда қолган
Йўқолиб кетмаган тўкилиб, синиб.
Қуёш кўкда порлаб турган бир пайтда
юшпоқ пахта бўлиб очилган
акс-садо бўлиб нурларга.

ЯНГИ БИР КУРТАК

Ҳаёт дарахтида бўртди янги бир куртак —
Янги йил!

Бодом мағзидек зангори,
абодий яшиллик куртаги,
мағзи тўқ куртак.

Шу куртак бағрида яшириниб ётибди
оламнинг поёнсиз жамоли:

Орзу ва армонлар,
хилма-хил тақдирлар,
муҳаббат, вафолар,
садоқат, сафолар.

Меҳнатнинг мислсиз завқлари,
Рухият оламин барқлари —
Яшириниб ётибди — куртакнинг барглари
Бўртди-ю шу онда, шу нафас, нигоҳлар
қадалди куртакка.

Ҳаёт дарахтининг безанган,
малоҳат барқ урган рухсори,
курашчан, яшовчан баҳори

Бир ёниқ орзулар солди юракка.

Мен ҳам бир яшнаган япроқман,

Муҳаббат, вафоман, фироқман,

Бахтсизлик қаъридан йироқман.

Куртаклар ҳаётим давоми,

Ҳар куни курашиб енголган
мақсадим илҳоми.

Ишончим комилдир, укажон,

Яхшилик уруғи,

Элу юрт бахтига,

Куртакни силайман,

Усмоқда ҳар онда, ҳар нафас,

Илдизи ер бағрин чирмаган,

Абадий чашмадан сув ичган илдизли

Ҳаётнинг дарахти қуламас.

Шу куртак қошида —

Ўткинчи умрмас, боқийлик учун

Ҳаёт сурурини ичайлик, дўстлар,

Зийрак ақл ила кутайлик, дўстлар:

Ассалом, Янги йил — ям-яшил куртак.

АСРА

Севги — мақтаниб бўлмайдиган туйғу.
Уни юрагингда, жон ичра асра!
Кўзингда чашмадек мавжланиб турсин.
Дуч келганга гулдек улашиб юрма,
Ундан харид қилма имтиёз.
Юрак асрорини тилнига айтма,
Тил маккор, буралиб минг тусда
Сочиб юборади туйғунгни.
Сочилган туйғулар ўрнини
Эгаллаши мумкин ўзга хаёллар —
Шубҳалар, гиналар, нафратлар.
Севги — мақтаниб бўлмайдиган туйғу,
Асра,
асра,
асра...

ЎЗГАРИШ

Ҳамма нарса ўзгариб борар,
Сарғаяди ям-яшил япроқ.
Ҳар шаклга кирар булутлар,
Емирилиб ҳатто улкан тоғ.
Ўзгарувчан муҳитлар аро
Ўзгармагай фақат Ҳақиқат.
Ўзгармагай собит муддао,
Ўзгармайди асл муҳаббат.
Мен қуёшни қандай тутаман,
Ҳақиқатга етгайми қўлим?!
Умид билан доим кутаман,
Ҳаяжонга тўладир дилим.
Бир қарашда кўринмайдиган
Нималардир ҳаётда бордир.
Ҳар кимсага сезилмайдиган
Воқеалар бўлмоқда содир.
Ўзгармоқда ишончининг ранги,
Муҳаббатнинг аҳди ёнмоқда.
Ўзи севмас ҳолга, қарангки,
Аллақимлар аста кўнмоқда.
Аммо ҳамон ўша-ўшаман,
Баъзи дўстдан ажралиб қолдим.
Нималарни ўйлаб яшайман
Ва нималар, хўш, қила олдим?!
Мен япроқлар яшиллигини,
Йўқотмаса, дейман ўзгариб.
Улкан тоғлар асиллигини
Тураверса мангу кўтариб.

Деҳқон ёмғир кутганда,
булутларга қўшилиб
ёмғир бўлиб тўкилай
сенинг киприкларингга.
Севинч ёши умрни
узайтирар, дейдилар,
севинч ёши бўлай мен.
Ҳайғу ёши сочда оқ
кўпайтирар, дейдилар,
севинч ёши бўлай мен.
Фақат, фақат сен ўзинг
кутганингда ёғилай
булутлардан ёмғирдай.

КЎҚЛАМ СЕНИ

Кўклам, сени бахтиёрлар нигоҳидан англадим,
Кўклам, сени бой берганлар оҳ-воҳидан англадим,
Ўтганларнинг яшил сўқмоқ — паноҳидан англадим.

Кўлингни бер, сендан узоқ кетгим келмас мен зарра,
Яна ўзинг сулувроқсан, гўзалроқсан минг карра,
Ез чоғи ҳам сенга севгим айтадирман баралла.

Ўтган-кетган баҳорларда япроқ бўлдим бағрингда,
Униб-ўсиб бир зангори сўқмоқ бўлдим бағрингда,
Қушчаларга, жилғаларга ўртоқ бўлдим бағрингда.

Энди яна ўша ҳислар вужудимда уйғонди,
Қизалоқдай туйғуларим яшил баргдай тўлғонди,
Худди баҳор қуёшидай муҳаббатим чўғланди.

Етакласанг қўлларимдан олис йўллар ҳеч гапмас,
Баҳор қайтмас, деганларга асло кўнгил қўшилмас,
Юрак қурғур, сендан сира кетмоқликка шошилмас.

Кўклам сени бахтиёрлар кўзларидан англадим,
Кўклам сени бой берганлар сўзларидан англадим.

Вақт тугаб қолмоқда,
типирчилаб боқаман
соатнинг милларига.

Ҳеч қандай таҳлика йўқ,
аммо кўнглимда ҳадик.
Кўзлаган ишларимни
тугатмадим бугун ҳам,
барчаси чала, кемтик.
Вақт тугаб қолмоқда,
бўшапштирмоқда уйқу,
Чала ишлар кўнгилда
тугун бўлиб қолар-ку.

Майли эртан ечарман.
Бироқ менинг кўнглимда
ўзга ният, ўзга ўй.
Мен шундай яшасамки,
Мен шундай яшасамки,
умрим охирлаганда
типирчилаб қолмасам.

Ҳачонки, яшарканман,
совурмасам кунларни,
вақтга ютқазмасам,

Ожизликка дил тўла нафрат,
Қоғоз ҳайфдир ожиз қаламга.
Келтирмасин, майли, у шухрат,
Туз сепмасин аммо ярамга.

Айтолмасам кўнгилда борин,
Танқисликни мўл қилолмасам.
Сайҳонликдан ўтиб минг бора
Ўзимга бир йўл қилолмасам,

Мурод нима: тутиб қаламни
Оқ қоғозни қилмоқми қора?!
Ўйлатгайми бирон одамни,
Ё бўлгайми бировга чора?

Наф бермасанг ўчириб-чизиб,
Ожиз қалам, синганинг яхши...

ТҰРТЛИҚЛАР

* * *

Тоғларга чиққанда олам бепоён,
Афсона сингари туюлар жаҳон.
Инсон юраги ҳам шу жаҳондай кенг,
Тоғ каби забт этиб назар солған он.

* * *

Ранж-у ғам тортма, дил, ёмон қилиқда,
Бу қилғилик келмас құнгил очиқдан.
Ширин бұлмас асло дарахт меваси,
Илдизи сув ичиб турса балчиқдан.

* * *

Ҳаммада ҳам бордир тириклик ғами,
Бир йўла битмайди бу дунё kami.
Осойишта боқар бору йўқликка,
Фикратли кишининг кенгдир карами.

* * *

Севгидан лоф урмоқ чин ёр ишимас,
Ошиқни алдамоқ дилдор ишимас.
Қўнгилнинг тубида ётар соф гавҳар,
Муҳаббат гавҳари бозор ишимас.

* * *

Хашаки гапларга ўрганган қулоқ,
Ҳикматли сўзлардан қочар нарироқ.
Тош ёмби бўлар, деб койитмагил жон,
Сийрак булутлардан чиқмайди чақмоқ.

* * *

Нодон дўстга яқин бўлма, қоч ундан,
Умид қилма ичи чирик устундан.
Қаҳратонда муз қотганинг яхшироқ,
Илитмаган илма-тешик пўстиндан.

Сен шунчаки гапирдинг қўйдинг,
Буни ҳатто ўйламоғимга
Асос йўқдир, шарт ҳам эмас бу.
Шундан асли лаззат ҳам туйдинг,
Арзимаиди сўйламоғимга,
Тортганим йўқ ортиқча қайғу.
Эҳтимолки кутганинг шудир,
Чўқиб олдим, деб ҳам ўйларсан,
Сени сархуш этар бу лаззат.
Тоққа чумчуқ тумшуғи недир?!
Балки минглаб, балки миллионлаб
Чумчуқ чўқиб турганда яққаш,
Бир чўқишинг — зиғирчалик гаш,
Тоғ тоғлигин бузмайди сира.
Сен шунчаки гапирдинг, қўйдинг.

Қўл силкийди қизча қуёшга қараб,
Олтин олма кетар эди юмалаб.
Сийрак булут босган уфқ қонталаш
Орзиқаман ташвиш, умид аралаш.
Қуннинг чиқиб келиши ҳам чиройли,
Қуннинг ботиб кетиши ҳам чиройли.
Қувонч билан туғилади одамзод,
Кетар чоғ ҳам қолсин ундан юрт обод.
Қўл силкийди қизча қуёшга қараб,
Олтин олма кетар эди юмалаб.

ЙЎЛДА

Мақсад, деган тоғ бор дунёда,
Жуда улкан, жуда ҳам кўркам.
Мен ҳам чиқдим йўлга пиёда,
Атрофимда тумонат одам.
Илгарилаб борар сайёҳлар,
Ўтирган кўп йўл бўйида жим.
Деймац, қани, олға, ҳамроҳлар,
Четга чиқиб кетмасин ҳеч ким.
Чашма-булоқ қайнар бир ёнда,
Яшаш учун қулай, маъқул жой.
«Борар ерипг сенинг қаёнда?
Шундай жойда тўхтасанг-чи, ҳой!
Қуйламоқда булбул, саъвалар,
Майсалар-чи, ям-яшил барқут.
Қир бошида унган лолалар
Ёнаётган юракми, ёқут?
Шундай жойда қолмаган одам
Идрокига шубҳа туғилар...»
Тушунтириб менга чинакам
Четда турган одам бўғилар.
Олға юрмоқ дилда муддао,
Илгарилаб бораверар йўл.
Ҳар қадамда хушҳаво маъво
Қолаверар узатганча қўл...

Чумчуқ атайсизми ва ёки булбул,
 Умуман, мен ҳам бир қушга айланиб
 Бетиним қушларнинг ёнига қўндим.
 Ҳаммаси ақлли, ҳаммаси бийрон,
 Тинглаётган каму сайраётган мўл.
 Кўнглимни бўшатиш иштиёқида
 Мен тили чиқмаган қушни қидирдим.
 Ана миттигина қуш турибди жим,
 Ниятимни сизди у ҳам, бало экан,
 Қўшиғин бошлади мендан аввалроқ.
 Шаҳарни тарк этиб учдим далаларга,
 Бор овозим билан куйлай бошладим.
 Оппоқ капалаклар, яшил ўтлоқлар,
 Буғдой ташиётган чумоли тинглади,
 Шовуллаб жўр овоз бўлди буғдойзор.
 Аммо эшитмади қовоқарилар,
 Бундан зигирчалик ажабланмадим.
 Аммо ажабландим, ҳув, ўша қушларга
 Улар нима учун тингламадилар?
 Ўзидан бошқани англамадилар?
 Шу ҳақда куйладим мен далаларда.

СЕВГИМ

Нега бунча ардоқладим, билмайман ўзим,
Сездингми ё сезмадингми, бу сенга аён.
Яшаш учун, севги буюк куч, деб инондим,
Дувончимда, ташвишимда бўлдинг намоён.
Дўз ўнгимда пайдо бўлдинг бекаму кўст, соф,
Юрагимда гуллар унди қуёш меҳрингдан.
Нигоҳларинг шундай ёниқ, мафтункор, шаффоф,
Ўзимни гоҳ унутдим ҳам улар сеҳридан.
Сен кўпларга ёқимлисан, сезади қалбим,
Аммо рашким сўйламоққа доим тилим лол.
Сенга ҳукм ўтказмоққа йўқдир ҳеч ҳақим.
Сева олдим, шунинг ўзи энг буюк иқбол.
Дўнглингдаги сир-синоат ўзингга маълум,
Хоҳла, тан ол, хоҳла, майли, ишқдан юз ўғир.
Аммо сенинг номинг билан фэйзли умрим,
Муруватли муҳаббатга бўлганман асир.

Ҳаёт мени ўз бағрига тортар ҳар нафас,
Мафтун этар унинг ажиб турфа ранглари.
Мен ўзгалар бахтини кўп қиларкан ҳавас,
Севги сприн шунда яна кўпроқ англадим.
Юз-кўзида барқ ураркан кимнинг иқболи,
Унинг қалби садоқатдан бўлган сарафроз.
Вафосизлик, о, нақадар мудҳиш, бетоле,
Дуюнларда қолган каби ўтли эҳтирос.
Гоҳо сени ардоқлаган юракдан кечиб,
Озод қушдай парвоз этгим келар самода,
Чунки хаёл қургур ёмон, кетаман чўчиб,
Суратингда кўриб доим вазмин ифода.
Сенга жуда ярашади бу кайфият ҳам,
Асли шундан ўзгача ҳам этмам тасаввур.
Нигоҳингда меҳр нури балқар чинакам,
Сийратингда гулхан бўлиб ёнар тафаккур.
Бу дунёнинг жами ҳусни, фэйзу камоли
Сену менинг бахтим билан яна ҳам кўркам.
Сира вафо хаёлидан бўлмайман холи,
Сен шунчалар юрагимга ўрнашдинг ўктам.

МИТТИ ЮЛДУЗ

Милтиллайди митти юлдуз
Деразамдан мўралаб,
Гоҳо мағрур, гоҳо маъюс
Боқиб турар нур тараб.
Булутларнинг пардасида
Йўқолади гоҳида,
Булутларнинг орқасида
Ғам чекади беҳуда.
Ўчиролмас юлдуз чўғин
Булутларнинг галаси,
Санар уни битта бўғин,
Юлдузлар силсиласи.
Юлдузларнинг орасида
Кўринмаса гоҳи дам,
Туннинг қора соясида
Ўлтираман чекиб ғам.

БУЛОҚ

Булоққа, йўловчи, сира чекма ғам,
Устига, ҳаттоки, тоғ кўчганда ҳам.
Кўзини харсанглар тўсса-да маҳкам,
Ер бағри жуда кенг, йўл топар албат.
Уни чорасиз, деб ўйлама ғақат.

Булоқлар она-Ер севинч ёшидир,
Ибратга айланган чўнг бардошидир.
Сувларнинг сараси, олтин тошидир.
Ичмасдан боқсанг ҳам ғуборинг олар,
Кўнглингга неча хил орзулар солар.

Мен булоқ бошида ўйга бўлдим ғарқ,
Қуёшдан қизариб борар эди шарқ.
Оқшом тушар эди жимгина, бефарқ,
Булоқ ўз умридан сўйларди эртақ,
Қизиқиб тингларди атроф-теварақ.

Эртаки берилиб тингладим мен ҳам,
Мажнунтол бошига соябон, ҳамдам,
Арзийди фидолар бўлиб йиқилсам,
Ўткинчи қасдидан харом бўлмас у,
Қайнаб тошаверар, тамом бўлмас у,

Сувсиз саҳроларда оч, ташна юрган,
Не-не йўловчига жон бўлиб кирган,
Мана шу қошимда мавжланиб турган,
Булоқнинг бошидан ўтган кўп савдо,
Тирик жонга кўрмас чанқашни раво.

Тоза қатраларда гул унсин, дебон,
Булоқ бу — ўзини аямаган жон.
Ер сингари сахий яшайди ҳар он.
Булоқ деган исм — саховат, демак,
Улуғ бир умрга ишорат, демак.

Мавжланиб турибди у ғолибона,
Уни билмаганлар асли девона,
Шиддатли нафаси қандай мардона,
Йўловчи, сўзимни кўнглингга олма,
Чанқоғинг қондиру йўлингдан қолма.

ЎЙЛАР

Сўниб борар уфқларда лоларанг шафақ,
Сўнгги нурлар ярқирайди қуш қанотида.
Само очар китобидан янги бир варақ,
Олтин гуллар пайдо олам коинотида.
Тун шамоли қувонч кутган кўнглимни ёзар,
Учаётган қуш сингари енгилдир руҳим.
Қора туннинг оқ нурлари ер юзин безар,
Шу нурларда битилмаган туйғу, шукуҳим,
Ёруғ куннинг овозлари тинмоқда тунда;
Кенгликларни забт этгали югурар шамол.
Юлдузлардан учаётган ҳар бир учқунда,
Сўлим кеча очаётир ўзга бир жамол.
Бир лаҳзада яралгуси дунёча маъно.
Шодлигингдан юрагингга сиғмас ҳаяжон.
Узун кунлар бир лаҳзалик туюлмас гоҳо,
Дарёларда сув доимо оқмайди равон.
Қуртакларда кўз очади ҳаёт давоми,
Чақалоқнинг табассуми сингари тоза.
Юксакларда учаётган қушлар хироми
Баҳорларнинг мангулигин қилар овоза.
Қириқларим юлдузларнинг шуъласига гарқ,
Гўё оқар кўк наҳрида нилуфар гуллар.
Сўниб кетди уфқларда лоларанг шафақ,
Тонгда яна чорлагуси бағрига йўллар...

Бир күз очиб юмганчалик вақт,
Қайтмаслиги нақадар даҳшат,
Пешонагни силаётган бахт
Ўткинчидир, ғам ҳам шу сифат.

Елкасига япроқни қўйиб
Оқаетган сувни тутиб кўр...
— Вақт қайга бўлмоқда ғойиб?
Қайга ғойиб бўлмоқда умр?!

НОБАҚОР

Биринчи зинага қўйганда қадам
эҳтиромли эди ҳаммага,
кейин иккинчига, сўнг учинчига...
Ювош босиб ўтди барча зиналарни
чиқиб олди баланд саҳнага.
Унга табассум-ла қўл узатди кимдир,
қўшиб олди аста қаторга.
Аввал жиддий юрди,
сўнг қовоқ уйди.
Энг биринчи қилган иши шу бўлди:
тарсиллатиб урди сўз билан
валинеъматининг юзига.

У дўст эмас ёки бир ғаним,
Жумбоқ эрур кўрган-билганим.
Ҳаяжонли, қувончли дамда
Тошдек турар — шудир кўрганим.
Мақсади йўқ балки яшашдан,
Ҳам бенасиб қолган курашдан.
О, табиат, сабрингга балли,
Ўзинг асра унга ўхшашдан.

Ғаним деганлари очмади оғиз,
Балки эшитардим оғу сўзларни.
Дўстдай атрофимда юрганлар ёлғиз
Менга меҳрибонлик қилиб бўзлади.
Тошдек оғир ботди дилимга хабар,
Бир зумда кўзимга дунё бўлди тор.
Юракка дўстларим келтирган зарар
Ғанимнинг қўлидан келмагай зинҳор.

САККИЗЛИКЛАР

* * *

Шубҳасиз, осмонга бўлмаймиз устун,
Умримиз ширину қисқа ғоятда.
Қўдириб, тузатиб ҳаёт кам-кўстин,
Чарчаймиз, толамиз биз ниҳоятда.
Деворга ва ёки толга суяниб,
Сукутга чўмамиз гоҳи ҳайрон, лол.
Ўзимизни яхши олгунча таниб,
Йиллар қувиб ўтар мисоли шамол.

* * *

Севаман, тўхтаган дарёни эмас,
Ҳали эрмаган тоғлар қорини.
Севаман, сўнгучи зиёни эмас,
Ҳали юз очмаган тонг дийдорини.
Меҳрим, ялт-юлт этган дурларга эмас,
Сув остида ётган зарра тошларга.
Севгим, ял-ял ёнган гулларга эмас,
Булбул кўзларидан томган ёшларга.

Борлиқда минг алвон ранглар бор каби,
Барини шарҳ этиб улгуролмайман.
Нақадар тавсифсиз табиат ранги,
Энтикиб, жимгина ўй суролмайман.

Ҳамма нарса бирдан сирли, мафтункор,
Қушлар чуғурини тинглаб жўшаман.
Мудроқ ғунчада ҳам ширин имо бор,
Бир қувончга ўнлаб қувонч қўшаман.
Емғирни кафтида тутган япроқлар
Туюлиб кетади дунёда буюк.
Яшил майсалардан кўркли қирғоқлар
Наздимда тўлқиндай чопқир, югурик.
Нима бўлди ўзи менга айна пайт,
Кўнглим эркалаган нимадир асли.
Эй, менинг кўзлари маънодорим, айт,
Сабабчи сен ўзинг эмасми?!

Нима билан ўлчай экан
Босиб ўтган йўлларни.
Қандай ҳисоб қилсам дейман
Келаётган йилларни.
Юрган бари йўлларимни
Яна қайта босурман.
Аммо ўтган йилларимни
Қандай яшай олурман?
Ўртоқжоним, жилмайганинг
Қайтарсанг-да ўхшамас.
Ўтган баҳор яна қайта —
Келиб майса тўшамас,
Не воқеа ўтган бўлса,
Ўтди... қайтмас қошингга.
Бахтинг қуши учиб кетса
Қайтиб қўнмас бошингга.

СУРАТДАГИ КЎЗ ЁШИ

Бир томчи кичрикда илиниб қолган,
Дилнинг дардларини чизипти рассом.
Жонсиз сурат, бироқ таъсирли экан,
Дилим ҳаяжонли, титроқ, тутқун, ром.

Узилмоқ олдида турар кўз ёши,
Узилмаса, дейман, хоҳлайман жуда.
Мағрур кўтарилса эгилган боши,
Ёки шу туриши бўлса уйқуда.

О, рассом, шу тобда етаклаб кетдинг,
Тирик санъатингнинг қароргоҳига.
Санъат қудратини намойиш этдинг,
Ларза солиб бир зум дил даргоҳига.

Аммо кичрикдаги томчи ёшини
Биров кўрмасидан қуритсанг эди.
Ўаршисига қўйиб ёр-қуёшини,
Бошидаги дардни аритсанг эди.

«Висол» дея ёзсанг остига кўркам,
Висолга ошиқсин ёшлар шошилиб.
Шунчаки кўришга тўхтаган одам,
Унинг бахти билан кетсин қўшилиб.

Сийрак булутларнинг бағридан сизиб,
 Оламни қондирар ёғду чашмаси.
 Қалбимни ёндирар гул карашмаси,
 Булбул хандоя урар жимликни бузиб.
 Куртақлар бўртишин кутиб неча вақт
 Қўёшга талпинар найча япроқлар,
 Майсага кўмилиб кетди сўқмоқлар,
 Кесилган чинор йўқ бу баҳор фақат.
 Бу баҳор кўп нарса бўлмоқда унут,
 Кўнгилни шодмонлик қуршамин бутун,
 Шодмонлик керакдир яшамоқ учун,
 Кўп вақт лол этарди ташвиш ва сукут.
 Наврўзи оламнинг гашти ўзгача,
 Яшиллик сафоси этмиш мени ром,
 Бу туйғу уйғонар одамда мудом,
 Баҳор келганида боғдан бўзгача.
 Шу ҳислар бағрида кечсайди умр,
 Табиат ҳуснига ошифта бўлиб,
 Шуълалар ва ранглар қалбингга тўлиб,
 Тобора тўлишиб борсайди шуур.
 Қиш, қорлардан ўтар баҳор бегумон,
 Яшамоқ бўлмайди ҳеч қачон енгил.
 Ёшлик қудрати-ла буюрар кўнгил:
 Мардона баҳорга ёзайлик дoston.

ҶИЗАЛОҒИМ, ХАЁЛИНГНИ МЕНГА БЕР

Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер,
Қандай рангда кўринмоқда бу олам,
Ўйларингга бўлай доим жўр, ҳамдам,
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

Қай хислатлар сенга ёқар, билмадим,
Қалбингда не чақмоқ чақар, билмадим,
Недан кўнглинг чечак тақар, билмадим,
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

Мен биламан, юрагингда губор йўқ,
Тилагингда ҳеч нарсага озор йўқ,
Меҳринг каби саховат йўқ, иффор йўқ,
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

Менга балки оқ ранглар ҳам қорадир,
Ё қоралар ошноқ бўлиб борадир?!
Кимдир, балки, кўнгли мендан ярадир?!
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

Бу оламни кўрай сенинг кўзинг-ла,
Булоқларга борай сенинг изинг-ла,
Ҳамроз бўлай айтган ҳар бир сўзинг-ла,
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

Сенинг фикринг билан идрок этай бир,
Ёмғирдан сўнг камалаклар кутай бир,
Чаманларда капалаклар тутай бир,
Ҷизалоғим, хаёлингни менга бер.

МЕНИНГ ОРЗУМ

Менинг орзум —

куртақларга яширинган газал,
Ҳали тошни ёриб чиқиб улгурмаган гул.
Гул танида боларини кутгучи асал,
Ҳали ақлим ҳал этмаган муаммо, мушкул.

Менинг орзум —

гул баргига қўнмаган сабо,
Сой бўйида ўсган қамши, чалинмаган най.
Барг ёзмаган ғунчадаги уялиш, ибо,
Гул қошида булбул куйин тинглашдир тинмай.

Менинг орзум —

ҳали кўкка чиқмаган юлдуз,
Қаердадир йўл излаган тир-тиник булоқ.
Ҳали биров кўзи тушмай яшнаган наргис,
Душман билан дўст келишиб тузган иттифоқ.

Менинг орзум — дўст кўзида

ёнгучи иқбол,
Бахтдан хабар бериб эсан тонг шабадаси.
Яшамоққа ундагучи бир эзгу хаёл,
Икки дилнинг бузилмаган маъсум ваъдаси.

ҚУЁШ

I

Хайр қуёш, меҳрибоним, хайр тонггача,
Ўзинг билан менга тонгда қувонч олиб чиқ.
Ҳар кунгидан яна ёруғ, яна янгича
Шуълаларинг сочиб-сочиб тундан ғолиб чиқ.
Сен тўқиган нурли тўрда яшар она-Ер,
Бу ҳудудсиз олам сендан мангу баҳравор.
Соғинч билан ҳар тонг сенга очаман бағир,
Бир дарахтдай нуринг ичиб, ўсаман такрор.

II

Ёз пайтида соғинаман оппоқ қорларни,
Қишда эса сенга интиқ бўламан, қуёш.
Кўз олдимда товлантириб мевазорларни,
Анжирлардан асал бўлиб томасан, қуёш.
Раҳмим келар нур тегмаган қия, ўрларга,
Нафасимни бўға бошлар зах ва рутубат.
Бундай ерни ўргимчаклар ўраб тўрларга,
Ўз мулкига айлантириб олади ғақат.
Сув бормаган жойларга ҳам келади раҳмим,
Тарс ёрилиб кетар ерлар нур шиддатидан.
Нур билан сув дўст тутинган жойдаги иқлим
Дарак берур инсон бахти, камолотидан.

III

Қуёш ўзинг — дунё ҳам сен, юлдузлар ҳам сен,
Дарё ҳам сен, гавжум, ёруғ кундузлар ҳам сен.
Сенсиз чексиз уммонлар ҳам музга айланар,
Бахтиёрман, дейиш қуруқ сўзга айланар.
Саховатда танҳодирсан, караминг кенгдир,
Бу ҳайбатли коинотда оламинг кенгдир.
Оламларга сочиб мангу иссиқ ҳаётни,
Ўзингга чин мафтун этдинг одамзодни.
Ғақат сенга омонликни тилайман доим,
Сен бўлмасанг бу дунёда қиёмат қойим.

Тирилган орзулардай чарақладп юлдузлар,
Чекинган хаёллардай булутлар кетди нари.
Дарахтлар шивирлашиб балки афсона сўзлар,
Аmmo менинг кўнглимга ёруғлик солар бари.

Фикр уйғона бошлар бамисоли тиниқ нур,
Қун нурига чирмашар янги унган майсалар.
Бир чеккада судралиб қолпб бормоқда оғир
Ниятига етмаган булутлар — васвасалар.

Сув бетида солланган ошпоқ нилуфар каби
Шуълалардан барг ёзиб чарақлайди юлдузлар.
Тонгни кутиб, ловуллаб турар кўнгли офтоби,
Шул офтобдан тафт олар ҳароратли кундузлар.

Овоз бердим, қайтди акс-садо,
 Товушим бўзлади тошларда.
 Юрагимдан отилган нидо
 Ҳаяжон қўзғади тошларда.
 Тошдан тошга ўтди товушим,
 Тўсиқларни оралаб ўтди.
 Қафасидан қутилган қушим
 Ҳаволарга кўксини тутди.
 Янграб турди кўкда бир лаҳза
 Тошларда ҳис туғдирди бир зум.
 Солди соқов тошларга ларза
 Ногаҳоний учган товушим.
 Шундай баланд янгради садо,
 Етиб борди юлдузларгача.
 Юрагимдан отилган нидо
 Туғён солди илдизларгача.
 Қолмади ҳеч товуш етмаган
 Хилватгоҳлар, олис бурчаклар.
 Ҳали ўзим кезиб ўтмаган
 Узун йўллар, мовий юксаклар,
 Тилга кирди ҳаммаси бир он,
 Тилга кирди қотган сукунат.
 Бари бирдек урдилар хандон,
 Жилва қилди тиниқ латофат.
 О, юракда яширинган туйғу,
 Яшамоққа яралган зўр куч.
 Ерда ҳаёт гулларкан мангу,
 Лочинлардай юксакларга уч.

СИРЛИ, ҒАЛАТИ...

Бу тун жуда сирли, ғалати,
Чигиртканинг товуши қатто
Дилга қувонч солар шу асно.

Барғни секин ўйнайди шамол,
Ўз-ўзича сўйлар не эртақ,
Ёки унга япроқлар эрмақ.

Қоронғилик қочар кўзлардан
Афсонавий жинлардай четга,
Душмандир у ёруғлик, ўтга.

Ёниб қолар қўшни чироғи,
Уйқусираб, тамшаниб андақ
Она сутин сўрайди гўдақ.

Ҳамма ухлар, ухлайди осмон,
Юлдузлардан томар кумуш ёш,
Сукунатга беролмай бардош.

Вовиллайди қайдадир кучук,
Қандай ғамда ҳасрат чекар у,
Овозида ваҳм ва ғулу.

Қимирламай ётади, олам
Уйғунлигин бузиб қўймай деб
Қимирламай ётасан сен ҳам.

Унутасан кундуз ғамларин,
Шоҳ бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам
Уйқуда ҳам гўзалдир олам.

Бу тун жуда сирли, ғалати...

УМИД ЮЛДУЗИ

Йўқ, ҳали кучим бор, гердаймагил, тоғ,
Барча сўқмоғингни босиб ўтарман.
Сен билан бир куни бўларман ўртоқ,
Ортада қолганларни алқаб кутарман.

Жиндек ҳансирадим, жиндек ўлтирдим,
Оппоқ капалаклар учмоқда, ана.
Боқий ҳаёт учун имон келтирдим,
Бир кушлик умрини қилар тантана.

Ҳайҳот, капалакча бўлмаса шаҳдим,
Нега мен дунёга келганман ўзи?!
Шу баланд тоғларга яширинган бахтим,
Унга нур сенмоқда умид юлдузи.

Сенга интиламан, эй ёруғ юлдуз,
Сени деб яшасам дунёда арзир.
Сен борсан, демакки, эмасман ёлғиз,
Қурашиб яшашга бўлурман қодир.

Ғабих ұйлар эмас нафрат туйғуси;
У юракда кечган момақалди роқ,
Ёруғ кундузларда чақнаган чақмоқ,
У қоянинг ўпирилиш қайғуси.

Олислардан боқсам кўринмади доғ,
Оппоқ соҳил дея интилдим шу он.
Сўнг қора бўёқлар бўлди намоён.
Юрагимда нафрат туғилди шу чоғ.

Йўл солсанг қайнаган булоқлар сари,
Қуруқ чуқурликлар дуч бўлган дамда
Ёввойи туйғулар кечур одамда,
Нафрат-ла сен ундан кетарсан нари.

Теран уммонларга шўнғиганинг дам,
Дур ўрнига топсанг бир шиллик парда;
Қалбингда уйғонар ўкинч ва зарда,
Тоғдек ишончингдан бўлурсан мулзам.

Ғабих ұйлар эмас нафрат туйғуси.

Салом, куртак,
Салом, кўз очаётган булоқ,
Салом, тонгги ипак ёғдулар!
Куртакдаги яшил тўлқинлар,
Булоқдаги ички оқинлар
Тонг бағрида балққан ёлқинлар, салом!
Сизга келдим қаҳратонлардан,
Саҳролардан ўтдим ташна, зор.
Тунларни кўп ўтказдим бедор,
Яшил мавжлар япроққа айлансин,
Игнадай «кўз» булоққа айлансин,
Ёғду улкан чироққа айлансин.
Салом...

Чуқурликда ётар қўрқоқлар,
 Сукуват чўкканда,
 Қуёш ботганда,
 Қоронғилик қуюқлашганда
 Ёқани кўтариб, қалпоқни бостириб
 Ботир ўтган йўлга чиқади.
 Ур-йиқит тугаган, ҳамма тарқалган
 У уйига боради шошиб
 Ифлосланган кийим-бош билан.
 Хотини қаршилар
 — Нима бўлди сизга?
 — Ҳеч гап бўлгани йўқ,
 Шунчаки, йўлда
 бир оз жанжал бўлди.
 Мен ҳам аралашиб
 айбсизни қутқариб қолдим,
 Уст-бошимнинг кирлиги шундан.
 Хотин ғурурланар:— Баракалла сизга,
 Гард тегса ҳам уст-бошингизга,
 Кир қилмабсиз виждонингизни.
 Эркак бундоқ бўпти,
 Ечинг кийимларни,
 Тоза бўлар ювсам бир пасда.

ИНСОН ҲАМ БИР ТАБИАТ

Табиатнинг ичида инсон ҳам бир табиат,
Юрагида борини ул ҳам қилур тарбият.
Ҳаётида қулф урар оқибату моҳият,
Қуёш эрур идроки, нурлар сочиб бошида,
Юлдуз бўлиб жилмаяр кўзи ақл қошида.

Қалбида унар майса, қалбида оқар дарё,
Ҳаяжони кўпайса гўё тўлганар дарё
Ақл зиёларидан олмосдай ёнар дарё,
Туйғулар бўронидан сокинлик синар чил-чил,
Инсон табиатида зилзила бўлар ҳосил.

Табиатнинг ям-яшил ўтлоқлари гўзалдир,
Об-ҳавоси жонбахшу мевалари асалдир.
Шамоллари покиза туйғудек мукамалдир,
Унинг бағрига сигиб яшар гул ҳам, тикон ҳам,
Ботини ҳам зоҳири шундай суратда кўркам.

Фасллар алмашинар, алмашинар ҳаволар,
Юракда ҳам шу шиддат, турфадир муддаолар.
Гоҳо беморлик кечар, гоҳида минг даволар,
Табиат шундай ажиб, шундай одил салтанат;
Азалий ҳукм ижро — жазо ёки адолат.

Кўнгил дунёси улкан — кенгликлари бепоён,
Булутлардан хўмрайиб, нурда чарақлар осмон.
Парваришли тупроқда ўсар эзгу ҳаяжон,
Табиатнинг ичида инсон ҳам бир табиат,
Ўз қалбига шоҳ бўлиб улғаяр инсоният.

ШАБНАМ

Ҳаёт — япроқдаги зилол бир шабнам,
Барғни эътиборсиз қолдирма одам.
Унда жамолини кўрмоқда олам,
Шабнамни ҳамиша ғараҳ, деб ўйла.
Ўсувчи бир боқий дарахт, деб ўйла.

Шабнамлар йиғилиб дарё бўладир,
Дарёдек сертуғён дунё бўладир.
Бир ғаройиб қўшиқ бунёд бўладир,
Тингласанг қалбингга қудрат қуйилар,
Ҳаёт истиқболи мангу туйилар.

Асрайлик япроғу шабнам бўлса-да,
Бу олам саноғи бир кам бўлса-да.
Сабабкори бунинг одам бўлса-да,
Шабнамга жойлансин ҳаёт жамоли,
Тиниқлик абадий ернинг иқболи.

Ҳаёт — япроқдаги зилол бир шабнам,
Барғни эътиборсиз қолдирма, одам.

ААЛБИМ

Оташдай ҳароратинг,
Дўстларга муҳаббатинг
Бўлмаса, агар, қалбим,
Ўзни ҳаддан зиёда
Бахтсиз сезгум дунёда,
Кўз ёшим ёғар, қалбим.

Не учун биз яралдик,
Қуёш нурини кўрдик,
Ёнмасак, агар, қалбим.
Олам ҳароратига,
Дўстлар муҳаббатига.
Қонмасак, агар, қалбим,
Не учун биз яралдик?!

Булбулга чаманзор, бургутга тоғлар,
Юрагимга эса сен керак, дилдор.
Бир-бирини излар интиқ нигоҳлар,
Гул фаслида булбул бўлмаса — бекор.
Туннинг ярашиғи — кумушранг ҳилол,
Бўстонни капалак этгуси хушбахт.
Инсон ярашиғи — энг гўзал иқбол,
Қишда мева тугмас, гулламас дарахт.
Баҳорда уйғонар бутун мавжудот,
Сенга талпинади қалбим шу онлар.
Сен билан бу дунё кўринар обод,
Навқирон кўринар барча инсонлар.

ҒАЗАБ

Меҳри кучли одамларнинг ғазоби ҳам зўр,
Пўртанадай босиб келар титратиб танни.
Ақллилар ўз вақтида қайтарар базўр,
Ўчирмоқлик осон эмас катта гулханни.
Ғазабингни қайтаролсанг мардлигинг шудир,
Меҳр қанча қайнаб тошса, майли, қуйиб бер.
Дўстлар учун кўнгилдаги ғуборинг сидир,
Шодлигингни ҳаммасига бўлиб, қуйиб бер.
Ғазаб билан бўлган эмас ҳеч ким қаҳрамон,
Тилдан баъзан бол томади, баъзан заҳри мор.
Ғазаб қилган ишни меҳр қилади осон,
Ғазаб билан кенг кўнгиллар бўлмай тангу тор.
Тиканларнинг устиданмас, майсалардан чоп,
Ҳолис бўлсанг мақсад уйи бўлгуси яқин.
Бефойдадир самарасиз тортилган азоб,
Бефойдадир мисли ёниб-ўчгандек чақин.
Ким даҳшат-ла босиб келган қора тўфонни
Майингина шиддат билан қилар экан даф,
Шу хислат-ла ром этгайдир бутун жаҳонни,
Бунга асло тенг бўлолмас, заифдир ғазаб.
Йўл қўймасдан унинг қувват олмоғига ҳеч,
Фазилатлар гулин дилда ўстирмоқ ҳусн.
Сўзлар адо этган ишни қилолмас қилич,
Қиличнимас, сўз кучини одамлар кўрсин.

Тонгданоқ илк шуълаларни ичар гунча, куртаклар,
 Митти юрак тинглар гўё онадан илк қўшиқни.
 Бунча тоза, бунча буюк илк туйғулар, истаклар,
 Илк муҳаббат чорлаб турар юксакларга ошиқни.
 Дилни шундай муҳаббатга ёр айладинг, онажон,
 Вужудимда ҳар нигоҳинг оқди гўё ёғду нур.
 Мен ҳам учдим зўрға-зўрға мисли жажжи полапон
 Учдим мовий кенгликларга ошиқона ҳам мағрур.

Аста қанот қоқмоқдаман, қузатасан кулбангда,
 Учиб кета оларми, деб икки кўзинг нигорон.
 Қалбим асир этмоқдадир кўҳна олам минг рангда,
 Сенинг бошинг ҳам этмоққа журъат борми, онажон.

Шиддатлироқ яшамоққа ўргатган сен ўзинг-ку,
 Бир-биридан ғолиб ҳислар ундар олға, сарсарни.
 Сендан нари кетмадим, сен — юксаклик,— сен азгу,
 Мени ҳам ром этди тамом сеҳргар ер гуллари.

Нур тўплади нигоҳларим қора булут бағридан,
 Ёмонликдан яхшилиқни изламоққа ўргандим.
 Ишққа лойиқ гўзалликни қидирмадим наридан,
 Чунки оддий юрагингда бу ҳусни кўргандим.

Ёшлик, кўклам қўшиғини куйлар кекса чинор ҳам,
 Юрагида турса ҳамки минг йилларнинг заҳмати.
 Чинор янглиғ бардошлигим, бағри кенг, онагинам,
 Юрагимга чизмоқдасан баҳорларнинг сувратин.
 Фақат телба ҳислар мени ўргатмади севишга,
 Илк қўшиғинг — алланг қалбда уруф бўлиб ўсмоқда.
 Йиғлашни ҳам сен ўргатдинг, сен ўргатдинг кулишга,
 Қалбда ҳаёт ниҳолининг куртаклари бўртмоқда.

ШАЛОЛА

Қайтшингдан юрагимга ўхшаб кетдинг, шалола,
Бошни уриб тошга кўзинг ёшлаб кетдинг, шалола.

Қирғоқларни қойил қилдинг шиддат билан сен
узоқ,
Елкангдаги хас-хашакни ташлаб кетдинг, шалола.

Қайнаб тошдинг қирғоғингдан, ҳавасландим жўш
урдим,
Қисқагина бўлса ҳамки, яшаб кетдинг, шалола.

Илҳом берди гўзаллигинг, дадиллигинг, шўхлигинг,
Ўзинг билан хаёлимни бошлаб кетдинг, шалола.

БОТҚОҚЛИК ВА ОЙДИНҚҰЛ

Ёнма-ён турибди ботқоқлик ва кўл,
Ёнма-ён турибди гўё икки йўл.
Бири ўйдим-чуқур, тикан, чакалак,
Бири ярқирайди мисли камалак.
Ботқоқлик ваҳима солади кўлга,
Қўрқув билан уни олай деб қўлга.
Хуррам гапиради, худди бахтиёр,
Бир кўришга мени бўлсин, дея зор.
Ҳар хил шиллик қуртлар яшайди унда,
Бадбўй ҳидлар буруқсиб ётади кунда.
Аммо ўз ҳолидан эмас хабардор,
Кўл бор экан унга дунё тангу тор.
Юрагини қуртлар кемириб ётар,
Иллат-касалликлар семириб ётар.
Кўл менинг ёнимда эгсин елка, деб,
Сикилишдан бўлсин тилка-тилка, деб —
Қаттиқ буруқлайди чиқариб овоз,
Кўл ёнида мағрур турар, доим гоз.
Кўл унга боқмоқдан қилади хазар,
Хаёли энг сўлим маъвода кезар.
Ботқоққа ботқоқсан, демайди у ҳеч,
Жимгина чайқалиб ётар эрта-кеч.
Рўйирост айтмоқдан қилади ҳаё,
Унга тенг бўлишлик эмасдир раво.
Ботқоқ эса тинмай ошади ҳаддан,
Фойдаланай, дейди, нозик фурсатдан.
Баланд-баланд сўзлар, гўё яғона,
Кўл эса чорасиз, ўксик, бегона.
Шундай хаёл билан яшайди ботқоқ,
Ўзини ўйлайди покиза, оппоқ.
Бошқалар наздида тентакнамо, гўл...
Ботқоққа ачиниб яшар ойдинқўл.

Сезди дилингни маҳбуб оз-оз боқишларингдан,
Боғлаб кўнгилга кўнгил ҳамроз боқишларингдан.

Бўстондан ўтганигда чечаклар урди ханда,
Пайқаб севинг ўйингни хассос боқишларингдан.

Битта нигоҳда шунча қалб рози бўлса пинҳон,
Маъшуқа қўйди сенга ихлос боқишларингдан.

Кўргил кўзини ёрнинг толега шунча ташна,
Дил қуши сенга қилди парвоз боқишларингдан.

Иқболли соф нигоҳлар шайдосидир Ҳалима,
Ўргат унга сеҳргар — шу саз боқишларингдан.

ТЎТИГА

Патларига бўёқ суртиб товланар тўти,
Оловланиб турар эмиш қалбининг ўти.
Ҳам у ёнга, ҳам бу ёнга ташлар ўзини,
Мақтов кутиб теваракка тикар кўзини.
Ҳар учратган кимсага у чулдиран ажиб,
Илҳом билан сўзлар гоҳо қалбини очиб.
Бўталоғим,— дейди оддий чумчуқни кўрса,
Ўз сўзига ўзи мафтун чалади қарсак.
Хаёлида мен дунёда ноёб қушман, дер,
Тингламаган кимсаларни ношуд, душман, дер.
Ташвишланиб қолар биров жиддийроқ боқса,
Унга ҳамма таҳсин айтса, мақтовлар тақса,
Оҳ, тўтижон, ўзинг жуда чиройлисан, рост,
Аммо фақат шу сифатинг мақтов учун оз.
Тушунмайман, сени асло, жуда мавҳумсан,
Баҳормисан ё қишмисан, қандай мавсумсан?
Тилагингни сезолмадим сўзларингдан мен,
Юрагингни кўролмадим кўзларингдан мен.
Гул ҳажрида булбул куйлар боғни тўлдириб,
Сен ҳам яшаб ўтмоқдасан фақат «кулдириб»...

Бошим узра гир айланар беҳудуд осмон,
Шохлардаги олма каби юлдузлар ўйнар.
Уча бошлар мен томонга япроқларсимон
Пора-пора йиртиб туннинг бағрини нурлар.
Мен кашф этдим хаёлимда кўк хазинасин,
Денгизлардай тошқин ҳаёт сирларини ҳам.
Меҳр тўла она-Ернинг оппоқ сийнасин
Қучганимда қўлчаларим билан ўша дам.
Ўзинг топган бир бурда нон бергандай лаззат,
Яшаганим сари ортар ҳаёт баҳоси.
Дил ҳис этган неки бордир, барчаси қиммат,
Қимматлидир ниманингки бўлса зиёси.
Менинг кашфим: оёғимда пойдор тупроқ,
Бошим узра паноҳларим кўк жисмлари.
Менинг кашфим: ҳаёт, унинг қиссаси узоқ,
Эзгулик ва муҳаббатнинг бор «исмлари».

Чўққиларга тўшалади ёш, янги йўллар,
Булулларнинг қучоғида яралар чақмоқ.

Куртакларда кўз очади ҳаёт давоми,
Чақалоқнинг табассуми сингари тоза,
Юксакларда учаётган қушлар хироми
Баҳорларнинг мангулигин қилар овоза.

Киприкларим юлдузларнинг шуъласига ғарқ,
Гўё оқар кўк наҳрида нилуфар гуллар.
Сўниб кетди уфқларда лоларанг шафақ,
Тонгда яна чорлагуси фараҳбахш йўллар.

ҚОЯ

Сендан талаб қилиб бўлмас
Одамга хос ишларни.
Бўлмагайсан диққинафас,
Кўрмайсан ҳам тушларни.
Аммо боқсам келбатингга
Ажиб ҳикмат уқаман.
Таҳсин айтиб тоқатингга
Ва мағзини чақаман.
Сен умрлар мазмунига
Ибрат бўлиб турибсан.
Ҳаволарнинг тўлқинига
Кўкрак кериб турибсан.
Балки қанча йиллар ўтган,
Балки аср ўтгандир.
Биров исмин ўйиб битган,
Унутиб ҳам кетгандир.
Туманларга ўралгансан,
Тош бағрингдан ёш чиққан.
Зарра-зарра йиқилгансан,
Мижжаларинг намиққан.
Тўрт ёғингдан зарба бериб
Урилгандир шамоллар.
Бардошингдан телба бўлиб
Сурилгандир шамоллар.
Қиш пайтида паға-паға
Қор ёпади бошингни.

Ёзда эса, нур садаға,
Қиздиради тошингни.
Қоя, қоя, сендан ибрат
Олса арзир баъзилар.
Жиндаккина туртки билан
Кесак каби эзилар.
Кечани ҳам, кундузни ҳам
Кўриб ўтиб борасан.
Шу чидам-ла минг йилларга,
Албат етиб борасан.

ШЕЪРИМГА

Сойлар ҳайиқмайди харсангтошлардан,
Тўш уриб уларни қолдирар ортда.
Мардлар омон чиқар зўр курашлардан,
Ботир, қахрамон деб аталар юртда.
Тугаб қолишидан қўрқмайди сўқмоқ,
Чўққиға чиқади, ишонч бор унда.
Аҳди рост йўловчи қидирмас ҳамроҳ,
Йўлидан қайтмайди бўронли кунда,
Чумоли бир донна донни қидириб,
Боғлардан ошади, кезар тоғма-тоғ.
Шеърим, тоғ гулздай чиқ тошни ёриб,
Ёвга ханжар бўлу, дўстга бўл маёқ.

МУНДАРИЖА

Мен ўзимни излаяшман	3
*Инсон	4
*Қуёшгинам	5
*Бир лаҳза унутсам	6
Агар сен	7
«От чоптириб ўтар...»	8
«Вужудим зирқираб кетар...»	9
Гиёҳсиз саҳро	10
Ҳақиқат баҳсида	11
Олтин гул	12
Мевали боғлар	13
Бир одам қўлидан...»	14
Баланд учаётган қушлар	15
*Чексизлик	17
*«Томчи-томчи дур ёғилди...»	18
«Далалар, уфқлар, сўқмоқлар...»	19
Она	20
Таъқиб	21
Юксакларда нигоҳларим	22
Ўтаётган вақт	23
Ҳайвонот боғида	24
«Майли, бир харсангтош...»	25
«Тип-тиниқ абадий чашмадир...»	26
Сиз ўлган эмассиз	27
«Бутун шодликлари...»	28
Орқага йўл йўқдир	29
«Осмон тўла булутлар...»	30
«Шу дунёда яшасам бас...»	31
*Қайда у яшил майса	32
*«Бу тоғлар, шубҳасиз...»	33
Ватан	34
Чумчуқ	35
Умрим дарёси	36
Баҳор	37
«Умр ўтаяпти...»	38
Манзара	39
Қайтмас дақиқалар	40
«Сенга ҳам, менга ҳам...»	41

Қулаш	42
Куз хаёллари	43
Гул, оҳу, одам	45
Аёл монологи	46
Англамоқчи бўларман уни	48
Ерга ёт эмасман	49
Кўчадан ўтиб бораётган аёл	50
Шу онда дунёнинг ранги ўзгарди	52
«Виждонига доғ тушмаган...»	54
Икки сада	55
Ишқ таровати	56
Янги бир куртак	57
Асра	58
Ўзгариш	59
«Деҳқон ёмғир кутганда...»	60
Кўклам сени	61
«Вақт тугаб қолмоқда...»	62
«Ожизликка дил тўла нафрат...»	63
Тўртликлар	64
«Сен шунчаки гапирдинг...»	65
«Қўл силжитди қизча...»	66
Йўлда	67
«Чумчуқ атайсиэми...»	68
Севгим	69
Митти юлдуз	70
Булоқ	71
Ўйлар	72
«Бир кўз очиб юмганчалик...»	73
Нобакор	74
«У дўст эмас...»	75
«Ғаним деганлари...»	76
Саккизликлар	77
«Борлиқда минг алвон ранглар...»	78
«Нима билан ўлчай экан...»	79
*Суратдаги кўз ёши	80
«Сийрак булутларнинг...»	81
Қизалоғим, хаёлингни менга бер	82
*Менинг орзум	83
*Қуёш	84
«Тирилган орзулардай...»	85
«Овоз бердим...»	86
Сирли, ғалати	87
Умид юлдузи	88
«Қабиҳ ўйлар эмас...»	89
«Салом, куртак...»	90
«Чуқурликда ётар...»	91
Инсон ҳам бир табиат	92
Шабнам	93

Қалбим	94
«Булбулга чаманзор...»	95
Ғазаб	96
«Тонгданоқ илк шуълаларни...»	97
Шалола	98
Ботқоқлик ва ойдинкўл	99
«Сезди дилингни маҳбуб...»	100
Тўтига	101
«Бошим узра гир айланар...»	102
Оқшомдаги ўйлар	103
Ҳоя	105
Шеъримга	106

***© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1987 й.**

На узбекском языке

ХАЛИМА КАРАБАЕВА

МИНУТЫ, КОТОРЫХ НЕ ВЕРНУТЬ

С т и х и



ЛИРИКА

Редакторлар Р. АБДУРАШИДОВ, М. ҲАЙДАРОВ

Расмлар редактори А. КИВА

Техн. редактор М. МИРРАЖАБОВ

Корректор Д. ХУДОЙБЕРДИЕВА

ИБ № 3641

Муқовада рассом Б. Жалолов асаридан фойдаланилди.

Босмахонага берилди 01.09.86. Босишга рухсат этилди 21.01.87. Р 11503. Формати 70×84¹/₁₈. Босмахона қоғози № 2. Янги-оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 6,7. Шартли кр.—оттиск 7.50. Нашр л. 3,35. Тиражи 10000. Заказ 1045. Баҳоси 65 т. Шартнома № 116—86 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида терилиб, 1-босмахонасида босилди. Тошкент — 700002. Ҳамза кўчаси, 21.

Қорабоева, Ҳалима.

Қайтмас дақиқалар: Шеърлар/[Рассом А. Бобров].— Т.: Адабиёт ва санъат нашри, 1987. 112 б.— (Лирика).

Умринг ҳар бир дақиқаси қайтмасдир. Ана шу қайтмас дақиқаларни пойдор қилиш, абадийлаштириш учун меҳнат қилади киши. Бинокор иморат қуради, пахтакор хирмон кўтаради, шоир шеър ёзади. Демак лаҳзалар ихтироларда, қуриш ва яратишларда жамол касб этади.

Ҳалима Қорабоева «Қайтмас дақиқалар» китобида лаҳзаларни ўз шуури, меҳнати билан беэаётган замондошларимизни улуғлайди, уларнинг фидокор меҳнати, чин муҳаббати, дўстлигини куйлайди.

Китобдан шоиранинг кейинги йилларда ёзган сара шеърлари ўрин олди.

Карабаева, Халима. Минуты, которых не вернуть: Стихи.

Ўз2

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ

АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ

1987 йили

«ЛИРИКА»

СЕРИЯСИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТАДИ:

Азим Суюн

«Жавзо»

Тоҳир Ғаҳҳор

«Кун кўзи»

Муҳаммад Раҳмон

«Асраганим, авайлаганим»